O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 21-noyabr, chorshanba * № 48 (800) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

## МЕНИНГ УСТОЗИМ ... ДАРАХТ



Илк бор булбулни яқиндан кўриб турганимиз эди. Завққа тўлиб шу қадар сайрардики, азбаройи меҳнатнинг, завқнинг зўридан халқуми шишиб кетарди. Чамаси, бир соатлар (балки ундан ҳам кўпроқ вақт) сайради. Ҳам роҳатландик, ҳам ҳайратландик. Ана шунда менга булбул бир соат устозлик қилган эди.

➩ 4-бет

## МУКАММАЛ СЕНСОРЛИ ҚУРИЛМА




"Finger Sense" номини олган бу турдаги қурилмалар бармоқнинг юмшоқ, бўғин ва тирноқ қисмлари, пластмасса ҳамда резина билан унинг дисплейига тегилганда чиққан товушдан предметларни бир-биридан ажратади. Қурилма экранга теккизилган предмет турига қараб маълум бир дастур ишга тушади.

5-бет

## ҲАЙДАРЧИЛИК



Кейин машинани тўхтатиб, капотини очиб, тушунтиришни бошлабди: «Мотори қизиб турганда радиаторнинг қопқоғини очиш мумкин эмас. Чунки бу пайтда суви қайнаган бўлади, мана бундай қилиб очиб юборсак...»

➩ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

**14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони матбуотда эълон қилинди.**

14 ноябрь куни пойтахтимизда Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ташриф буюрган қарийб 350 нафар фермер иштирок этди.

**16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, 2013 йилги мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.**

Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегацияси аъзолари, Бельгиянинг жамоатчилик, сиёсий, эксперт, ишбилармон доиралари ҳамда Европа Иттифоқи, НАТО, Брюсселда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.






## МАҲСУЛОТ ТЎЛИҚ ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

Наманган вилоятида саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани иқтисодий бақувват субъектлар кўпайишида муҳим омил бўлмоқда. Чортоқ туманидаги "Chartak Deyhan textile" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси улардан бири.

Мазкур корхонада тайёрланаётган ип-калава тўлиқ экспортга чиқарилмоқда. Хорижий ҳамкор томонидан киритилган инвестиция ҳисобига зарур айланма маблағни шакллантирган 60 кишилик жамоа сўнгги икки ойда 200 тонна пахта толасини қайта ишлаб, экспортга жўнатди.

***Суратда:*** ишчи Ўлмасой Аббосова.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат**

## ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР СИНОВИ

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Конституциямиз — бахтимиз таянчи" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди.

Танловда шаҳар ва туманлардан сараланган 50 нафарга яқин иқтидорли ёшлар ёзма иш, рассомлик санъати ва видеороликлар тайёрлаш бўйича ўз иқтидорини синовдан ўтказди.

— Танлов ёшларнинг миллий қонунчилигимизга оид билимларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, — дейди "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раҳбари Исфандиёр Латипов. — Бу Конституциямизнинг маъно-мазмуни, ҳаётий аҳамияти ва моҳияти умумтаълим мактабларида чуқур ўргатилаётганидан далолат беради.

Танлов ниҳоясида ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар эълон қилинди. Иншолар танловида Шуманай туманидаги 16-мактаб ўқувчиси Хурзия Дарёбоева, рассомлик санъати номинациясида Нукус туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Сулаймон Қунарбоев, видеороликлар тайёрлаш бўйича Нукус туманидаги 21-мактаб ўқувчиси Тўмарис Қўйлибоева биринчи ўринни эгаллади. Ғолибларга танловнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига




Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди.

*Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 67-модда*

## АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

**Эрк ва ҳуқуқларимиз қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг қутлуғ 20 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Бу сананинг ҳаётимиздаги аҳамияти барчага яхши маълум: миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш, аввало, унинг ҳуқуқий асосларидан бошланади. У мамлакатнинг тараққиёт йўли, халқнинг тақдири ва келажагини белгилаб беради.**

**Шерзод ҒУЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизнинг туб моҳиятида ана шундай мақсад мужассам ва у амалда ўзининг юксак самаралар бераётганини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ислоҳотларнинг дастлабки босқичидаёқ "Ислоҳот-ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун" деган ғоя мазкур жараён асосига қўйилди. Конституциямизнинг 13-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", — деб кафолатланиши бу ғояга янада кенг кўлам бахш этди.

4 ▸▸




Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

*Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 40-модда*

## ФУҚАРОЛАР САЛОМАТЛИГИ, АВЛОД БАРКАМОЛЛИГИ ЙЎЛИДА

**"Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир" шавкатли бобокалонимиз Амир Темурнинг бу ҳикматли даъвати ҳозирги кунда ҳам миллий ғоя ва юксак маънавият тамойилларини ҳаётимизга кенг жорий қилишда муҳим аҳамият касб этади.**

Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак улар замонавий билим-у тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига муваффақ бўлишимиз, бунинг учун эса, албатта, нуридийдаларимизнинг ҳар томонлама соғлом камол топишларини таъминлашимиз лозим.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Президентимиз ташаббуси билан кенг қамровли ислоҳотлар доирасида тиббиёт ходимларига ҳам алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимизнинг изчил сиёсатига айланди. Бунинг натижасида мамлакат миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасида улкан ижобий ютуқларга эришилмоқда.

Ҳақиқат қиёсда билинади, дейдилар. БМТ маълумотларига кўра, кейинги йилларда дунёнинг 34 та мамлакатида ўртача умр кўриш даражаси пасайган. Ўзбекистонда эса 1991 йилдан буён ўтган даврда одамларнинг ўртача умри 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларда эса 75 ёшга узайишига эришилди. Бу истиқлол йилларида юртдошларимизнинг умри 6-8 ёшга узайди деганидир. Шу биргина мисолнинг ўзи ҳам мамлакатимизда танланган соғлиқни сақлашнинг миллий модели тўғри эканини тасдиқлаб турибди.

Сайёрамиз аҳолиси кунига 237 минг 748 нафарга кўпаймоқда. Ер юзида ҳар секундда камида 4 нафар чақалоқ туғилар экан. Аммо, уларнинг барчаси ҳам тинч-осойишта, тўкис ва барқарор муҳитда, соғлом ҳолда дунёга келяптими? Жажжилар яхши парвариш кўришяптими? ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, жаҳонда 2011 йилда 6,9 миллион нафар, инсон, шундан ҳар куни 19 минг нафар 5 ёшгача бўлган бола нобуд бўлганини инобатга олсак, бу саволлар ортида анчагина ғам-ташвишлар борлиги аён бўлади.

2 ▸▸

# ФУҚАРОЛАР САЛОМАТЛИГИ, АВЛОД БАРКАМОЛЛИГИ ЙЎЛИДА

(Бошланиши 1-бетда.)



Шукурлар бўлсинки, Ўзбекистонда 1990 йилга нисбатан оналар ҳамда гўдакларнинг ўлими мос равишда 3,1 ва 3,2 мартага қисқарди. Юртимиз бўйлаб она ва бола скрининг марказлари ишга тушган 2000 йилдан буён ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёдроққа камайди.

Мамлакатимиз 2011 йилда "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 давлатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич бўйича Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ каби энг ривожланган давлатлардан олдинда турганимиз аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида юртимизда олиб борилаётган эзгу ишларнинг юксак самарасидир.

Эришилаётган муваффақиятларимиз замирида, албатта Конституциявий кафолат мужассамлигини унутмаслигимиз керак.

Яна бир эътиборли жиҳат: — биз бу улкан ютуқларга дунё миқёсида глобал инқирозлар давом этаётган бир даврда эришаяпмиз. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен ўзининг 2011 йил 25-26 ноябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган нуфузли халқаро анжумандаги нутқида эътироф этганидек: *"Ўзбекистонда ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил яхшиланиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланса арзийди"*.

Юртимизда, Президентимиз таъбири билан айтганда, энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган вилоятлар ихтисослашган шифохоналари уларнинг шаҳар ҳамда туманлардаги бўлимлари, аҳолига бепул, тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги тизим шакллантирилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди Туман ва вилоят даражасидаги соғлиқни сақлаш муассасалари оптималлаштирилиб, ихчам туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли шифохоналари ва поликлиникалари ташкил этилди. Бу тиббиёт муассасалари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, мамлакатимизда эътироф этилган илмий мактаблар негизида — кардиология ва кардиожарроҳлик, акушерлик ва гинекология, урология, офтальмология, пульмонология ва фтизиатрия, эндокринология каби йўналишларда республика бўйича 10 та ихтисослашган илмий-амалий тиббий марказлар тузилди. Ҳозирги кунда бу марказларда аҳолига юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатилмоқда.

Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази шу тиббий марказлар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами арафасида ушбу марказ қошида кардиохирургия мажмуасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Тўрт қаватли бу марказ кардиожарроҳлик йўналишида фойдаланиладиган барча замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган.

Мажмуада кунига икки юз беморни кўрикдан ўтказишга мўлжалланган поликлиника, қон қуйиш станцияси, стационар шароитда даволанадиган беморларни қабул қилиш хонаси, уч ёшгача бўлган болаларнинг туғма юрак нуқсонларини даволаш, интервенцион кардиология ва юрак уриш ритми бузилиши ангиографик жарроҳлик, шунингдек, гемодиализ ва трансплантация, диагностика ҳамда реанимация бўлимлари, иккита кардиожарроҳлик хоналари ва клиник диагностика лабораторияси жойлашган.

Бу ҳақда сўз борганда, бундай ихтисослаштирилган марказлар тиббиётнинг тегишли соҳаларида юқори технологияларни татбиқ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтириш, ихтисослаштирилган кадрларни тайёрлаш учун қулай шароитларни яратиш ва ҳудудий марказлар ривожланишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз.

Зеро, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида ўтган йиллар мобайнида эришган ютуқлар ўзимизники. Энди эса бу тизимда янгиланишларнинг навбатдаги, янада юксак босқичига қадам қўйишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

2011 йилнинг 28 ноябрида Давлатимиз раҳбарининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилингани бежиз эмас.

Бу қарор соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, республика соғлиқни сақлаш тизимида бошқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор шакл ҳамда услубларини жорий этишга қаратилгандир.

Энг муҳими, жамиятимизда ўтган даврда ҳар қандай инсон орзуси, асосий мақсади — баркамол авлодни тарбиялаш таъбир жоиз бўлса, энг савобли ишга айланди.

Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, аҳоли соғлиғини ҳимоялаш масаласини бугунги замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида давлат миқёсидаги махсус дастурлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ушбу дастурлар доирасида, соғлиқни сақлашнинг замонавий тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини кескин ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Лекин, одамзоднинг соғлиғи кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ эканини ҳам унутмаслик лозим. Бунинг учун ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом турмуш тарзи ва маданияти талабларига амал қилиши катта ўрин тутади.

Шу маънода, юқорида таъкидлаб ўтилган давлат дастурларида доимо юртдошларимизда ўз соғлиғини сақлашга соғлом турмуш тарзини шакллантириш маданиятига йўналтирилган ҳаётий фалсафани яратиш вазифаси ва шу доирада амалга ошириладиган тадбирлар биринчи ўринда турибди. Бундан кўзланган мақсад, одамларда ҳаётнинг ҳеч қачон тугамайдиган ташвишларидан бироз узоқлашиб, ўз соғлиғи ҳақида қайғуриш, кўникмаларини чуқурлаштиришдир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

**Ғулом МИРЗАЕВ,**
**Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари**

## КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАНДИ

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил қилинган ушбу тадбирда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари F.Мирзаев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг фаровон ҳаёти, халқаро ҳамжамиятда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини ошириш, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, фуқаролар тотувлиги ҳамда диний бағрикенгликни мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 24 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма йиллик санасини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Семинар қатнашчиларининг таъкидлашича, мамлакатимиз Асосий Қонуни қабул қилинганининг 20 йиллиги муносабати билан аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Бу тадбирлар, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил этиш ҳамда кенг жамоатчиликка тушунтиришга қаратилган.

**А.РАШИДБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

**ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ**

## ҲАММАСИ ПОЙДЕВОРДАН БОШЛАНАДИ

Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашда дастлаб ёнғин қандай офат эканлигини билиш лозим. Ёнғин – тилсиз ёв. Уни ўчиргандан кўра олдини олган афзал.

Корхона, ташкилот ва халқ таълими муассасаларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ёнғин оқибатида келиб чиқадиган кўнгилсизликлар тўғрисида кўплаб суҳбатлар ўтказилади. Аслида ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилиш, бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш уларни тўғри лойиҳалаштириш ва қуришдан бошланади. Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги кунда Тошкент шаҳри ҳудудида янги бинолар қад кўтармоқда. Турли корхоналар, мактаб, лицейлар, коллежлар, банк ҳамда тиббиёт масканлари барпо этилмоқда. Бу бинолар, албатта, замонавий техника воситалари билан жиҳозланиши баробарида ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган даражада қурилиши лозим. Бу ишда йўл қўйилган озгина бепарволик ёнғин хавфсизлиги хизмати талабларининг иккинчи даражага тушиб қолишига, бу эса вақти-соати келганда мазкур биноларда ёнғин келиб чиқиши эҳтимолини оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил, 17 майдаги 227-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат ёнғин назорати тўғрисида»ги Низомга кўра қурилиш лойиҳаси ишлаб чиқилаётганда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан назорат қилинади. Демак, қурилиш ишларида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бевосита иштирок этишлари лозим.

Ишлаб турган корхоналарда улар фойдаланаётган бино ва иншоотларни техник жиҳозлаш, шу корхонанинг янги ишлаб чиқариш жихозларини ўрнатиш лойиҳаларидаги транспорт йўллари, электр, газ, алоқа, сув таъминоти тизимларида ўзгариш юз берганида давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ўз хулосаларини беради. Бундан кўзланган ягона мақсад: ёнғинларнинг олдини олиш, мулк хавфсизлигини таъминлашдир. Дарҳақиқат, юқоридаги қоидаларга тўла амал қилинса, мустаҳкам ва мукаммал бинолар барпо этилади. Бу эса ёнғин хавфини бартараф этишда дастлабки қадам бўлади.

**Р.ОРИПОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ муҳандиси**

**ТАКЛИФ**

Британиянинг "Economist Intelligence Unit" компанияси томонидан ўтказилган таҳлилга кўра, Тошкент дунёдаги яшаш учун қулай бўлган 140 та шаҳар ичида 58-ўринга муносиб кўрилди. Бу эътироф пойтахтимизда фуқаролар манфаатларига конституцион ҳақ-ҳуқуқларидан тўла фойдаланишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар, қолаверса, шаҳар ҳудудини озода сақлаш, ободонлаштириш ишларининг тўғри йўлга қўйилгани боис, десак айни ҳақиқатни таъкидлаган бўламиз.

# "ОЛТИН" КУЗ

## ёхуд хазонни қайта ишлаш самараси

Биргина ободонлаштириш соҳасига эътиборни қаратайлик. Шаҳримиз саришталигини сақлаш ишларига шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг 11 минг нафардан кўпроқ ишчи-хизматчилари ҳамда 500 дан ортиқ махсус транспорт воситалари жалб этилган. Шунингдек, "Махсустранс" корхонасининг 400 дан ортиқ транспорт воситаси ҳамда 2 мингдан зиёд соҳа ходимлари ҳар куни чиқиндиларни олиб чиқиш, саралаш ишлари билан банд. Бугун мазкур соҳадаги ишлар замон талаблари даражасида шитоб билан ўзгармоқда. Пойтахтда яна 151 та чиқиндихона қуриш, 10 ва 20 тоннали 30 та "MAN" русумли чиқинди ташувчи автомашина ҳамда чиқиндилар учун 2000 та идиш сотиб олиш режалаштирилган.

Аммо куз ҳамиша кузлигини қилади. Хазонрезги мавсуми бошланди дегунча кўп қаватли уйлар атрофи, маҳаллалар ҳудудидаги ички кўчаларда хазон уюмлари кўнгилни хира қиладиган даражада кўпайиб кетади. Аҳоли саломатлигига, экологияга зарар эканини била туриб, уларни ёқиб юбораётганлар ҳам бор. Ҳар бир катта дарахтдан 50 минг дона барг тўкилиши мумкинлиги ҳақидаги маълумот инобатга олинса, бир йилда пойтахтимизда минглаб тонна хазон тўкилади. Халқимизнинг миришкорлиги боис,келгусида дарахтлар сони янада кўпайиб бораверади. Хўш, хазонларни нима қиламиз? Келинг, зарурат нуқтаи назаридан бош қотириб кўрайлик.

Авваллари кўчаларда ишлатиб бўлинган баклашка уюмларини кўп учратардик. Бу муаммо пластмасса ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ташкил этилгани ҳисобига бартараф қилинди ҳисоб. Пластмасса чиқиндиларга талабнинг шаклланиши ишлатилган баклашкаларга муносабатни ўзгартирди.

Хазонлар муаммосини ҳам шу йўсинда бартараф этиш мумкинми? Бунинг учун аввало, шифобахш дарахт барглари хусусияти ҳақида ўйлаб кўрайлик. Масалан: олча баргининг дамламаси капилляр қон томирларни мустаҳкамлаши, қон босимини пасайтириши, онкологик касалликларнинг олдини олиши, марказий асаб тизими ва бош мия фаолиятини яхшилаши билан ажралиб туради. Ёнғоқ барги дамламаси эса бўшаштирувчи ва гижжаларга қарши таъсирга эга. Халқ табобатида уларни эркак мижозини ошириш, бепуштлиги ва простата безларини даволаш учун тавсия қилинади. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Чунки юртимиз чиндан ҳам жаннатмонанд. Ундаги ҳар бир гиёҳу япроқ — шифобахш.

Аммо бизда бу шифо манбаларидан деярли фойдаланилмайди. Хўш, нега? Чунки ўлкамиздаги мавжуд дарахтлар баргларининг фойдали жиҳатларини ёритиб берувчи рисолалар унча кўп чоп этилмаган. Шу сабабдан омманинг бу соҳадан хабардорлиги қониқарли эмас. Ваҳоланки, юртдошларимизнинг бу йўналишдаги билимларини ошириш теварак-атроф озодалигини таъминлашга доир улкан қадам бўлади. Шунда барглар қуриб тўкилмасидан аввал уларга талаб шаклланади. Шунингдек, кузда тўкиладиган хазонларнинг камайишига олиб келади.











Бундан ташқари, хазонни қайта ишловчи корхоналарнинг очилиши ҳам масаланинг ечим топишига сабаб бўлади. Тўғри, олимларимиз томонидан ўсимликлардан биоўғит, биогаз, биоёқилғи олиш бўйича айрим тажрибалар ўтказилган. Эришилган ижобий натижалар ҳам бор. Аммо бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ҳам асқотиши мумкин.

Масалан, англиялик Питер Моррисон ва Шэрон Уормингтон Бирмингем шаҳрида "Bio-Fuels International" компаниясини ташкил қилиб, хазондан ғўла ишлаб чиқармоқда. Бир дона хазон ғўласига тахминан 120 килограмм хазон сарфланади. Маҳсулот ёнувчанлигини ошириш учун 70 фоиз хазонга 30 фоиз мум аралаштирилади. Ўнталик боғлами 56 доллар бўлган мазкур хазон ғўласи юқори сифатли кўмир каби ҳар килоси 27,84 мегажоул энергия ажратади, бир донаси табиий ғўладан уч баробар кўп, яъни 2-3 соат ёнади.

Россиянинг «БиоСтар Инжиниринг» корхонаси хазондан соатига 500 дан 1200 килограммгача ана шундай ғўла тайёрлайдиган ускуна ишлаб чиқармоқда. Бу қурилма ойига бир неча юз тонна хазонни қайта ишлаши мумкин. Молдовада эса бундан ҳам самарали технология ихтиро қилинди. Унга асосан 80 фоизи хазон, 10 фоизи буғдой сомони ва 10 фоизи қипиқдан иборат 5 килограммлик целлофан қопчаларда нам қоришма тайёрланади. Уларнинг ҳар бирида 1,8 килограммгача pleorotus қўзиқорини етиштириш учун бор-йўғи 3-4 ҳафта керак бўлади. Яъни хазоннинг деярли ярим вазнида қўзиқорин унади. Кейинги 2-3 ҳафта давомида қолган суюқ қоришманинг ҳар литридан қорамол гўнгидагидан анча кўпроқ, яъни 2,4 литргача биогаз олиш мумкин. Бу кўрсаткич хазондан олинадиган биогаздан 1,5-2 баробар юқори. Мазкур ихтиронинг оммалаштирилиши хазон уюмларини йўқотишдан ташқари даромад келтириши ҳам аниқ. Балки кўпқаватли уйлар ертўласида турар жой мулкдорлари ширкати томонидан ушбу технологияни қўллаб кўриш ўринлидир. Ана шунда локал иситиш тармоғини қисман биогаз билан иситиш имконияти туғилиб, табиий газ учун сарф-харажатлар тежалармиди...

Дунёда чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологияси олқишланади. Таклиф этилаётган технология эса нафақат чиқиндисиз, балки чиқиндидан икки марта фойда олиш услубидир. Бунинг учун эса ягона мақсад атрофида бирлашиш зарур. Фақат ғояни амалга ошириш ишларини маҳаллий ҳокимият органларига ташлаб қўймасдан, бир ёқадан бош чиқариш талаб этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан хазонлар тўпланишининг олдини олиш орқали экологик муҳитни асраш йўналишида грант танловини эълон қилиш мумкин. Шунда грант ғолиблари томонидан биология, кимё ва қишлоқ хўжалиги соҳаси олимлари бу масалага жалб этилиб, хазонни қайта ишлаш бўйича хорижий тажриба чуқур ва атрофлича ўрганилади. Ундан мамлакатимизда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Бугунги кунда эришилган фан ютуқларига таянган ҳолда хазон тўпланишининг олдини олишга йўналтирилган янги технологиялар кашф этилади.

Олимларнинг ихтиролари ва ютуқлар оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилинади. Ихтироларга қизиқиш билдирган тадбиркорларни жалб этган ҳолда тажрибавий ишлаб чиқариш бирлашмалари тузилади. Тажрибаларнинг ижобий кўрсаткичига таянган ҳолда барг таркибидаги моддалардан дори, целлюлитдан қоғоз ёки ДСП каби маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этилади.

Барг ёки хазон таркибидаги моддалардан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарали технологияси йўлга қўйилса, ҳозир хазонни кўчага олиб чиқиб ташлаётганлар уни тўплаб, махсус жойларга олиб бориб топширишни бошлашган бўларди. Шунда шаҳримиздаги хазон уюмлари йўқолиб, юртимизнинг олтин кузи ҳамма учун ҳақиқий олтин келтирадиган мавсумга айланарди.

**Я.ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**Миллий ғоя ва миллий мафкура илмий-амалий маркази тадқиқотчиси**

2012 йил – Мустаҳкам оила йили

# ҲАЛОВАТ ҲАЛОЛЛИКДА

## ёки бир оила сабоқлари

Бу оила аъзоларига жалойирликлар (Кармана туманидаги қишлоқ – муаллиф) астойдил ҳавас қиладилар. Бизнинг фарзандларимиз ҳам уларга ўхшасин, одобли, билимдон бўлсин, деб чин дилдан ният қиладилар. Қишлоқдошлари орасида оила сардори Раззоқ ака Ражабовнинг обрўйи анча баланд. Унинг маслаҳатига қулоқ тутадилар. Раззоқ ака одамлардан ширин сўзини аямайди. У билан бир бор суҳбатлашган кишининг яна суҳбатлашгиси, яна дийдорлашгиси келаверади...

Раззоқ аканинг хотирасига қишлоқдошларию таниш-билишлари ҳавас қилишади. Салкам етмиш йиллик тарихни яхши билади, ўзиям, баъзи воқеаларни йили, ойи, ҳатто кунигача аниқ айта олади. Унинг ҳаётида яхши-ёмон кунлар кўп бўлган. Масалан, собиқ шўро тузумида рўй берган "пахта иши" воқеаларида москвалик қаттол терговчилар зулмидан Раззоқ ака ҳам жабр кўрган. У терговчилар ҳузурига даста-даста ҳужжатлар солинган жилдлар билан эмас, шундоқ ўзи — қоғоз-қаламсиз кириб борган. Барча сўроқларга аниқ ва лўнда жавоблар бериб, лол қолдирган. Зулмкорлар у айтган катта-кичик рақамларни кейин ҳужжатлар билан солиштириб, Раззоқ аканинг хотирасига тан беришган.

— Ўтган асрнинг 54 йилида мактабга борганман. У даврларда яшаш анча оғир эди. Мактабга бориб-келишнинг ўзи азоб. Лекин қийинчиликларга қарамасдан яхши ўқирдим. Ўқитувчининг оғзидан чиққан гапини илиб олардим.

Мактабни битириш арафасида отам оламдан ўтди. Биз — 12 нафар фарзанд онам билан қолдик. Мен бош фарзанд бўлганим учун онам «уйланасан» деб туриб олди. Аввал кўнмадим. Кейин оиладаги вазиятни кўриб, рози бўлдим. 1968 йил 28 августда тўйимиз бўлди. Кейин Тошкент иқтисодиёт университетининг сиртқи бўлимини битирдим. Мана, 45 йилдан буён янгангиз билан аҳил яшаб келяпмиз. Олти нафар фарзанднинг ота-онаси, 15 нафар набиранинг бобо-бувисимиз.

Оила ва фарзандлар тарбияси борасида бу оиланинг ўз қарашлари бор. Тарбиянинг асосий илдизлари миллий анъаналар, қадриятлар билан бевосита уйғунлашиб кетган. Бундан ташқари, оиланинг йўлбошчилари — раҳматли Ражаб бобо билан Саодат момонинг оиладаги ўзаро самимий муносабатлари фарзандлар қалбига кўчган.

— Биласизми, ҳар бир оиланинг асровчи мустаҳкам қўрғони бўлади, — дейди Раззоқ ака суҳбатни давом эттириб. — Раҳматли отам ҳам, онам ҳам жуда ҳалол инсонлар бўлишган. Биз, фарзандларини ҳам ҳалол ризқ-рўз билан боққанлар. «Ҳалол бўлсанг, сўзинг ўткир, юзинг ёруғ бўлади», — дердилар. Қишлоқдаги кўплаб шундай оилалар ҳақида мароқ билан гапириб берардилар. Эсимда, боғимизда 22 туп ўрик дарахти бор эди. Еганимиздан ташқари ўриклардан уч қоп ғўлин (ўрик қоқи) олардик. То яна ўрик пишгунча ана шу билан тирикчилик қилардик.

Боғимиздаги дарахтлар ўзгарди, янги экилган турфа ниҳоллар серҳосил дарахтларга айланди. Энди олдинги мазали ғўлинлар ҳам йўқ. Лекин поклик ҳамиша оиламизни асровчи қўрғон бўлиб келаётир. Ҳаром-ҳариш аралашса, оиладан барака қочади. Бу ерда вояга етган болаларда меҳр-муҳаббат, оқибат бўлмайди. Покизалик одамни сабр-қаноатли, инсоф-диёнатли бўлишга ўргатади...

— Ота-онамизнинг ўзаро самимий муносабатлари, меҳри оиламизнинг тарбия жараёнидаги асосий муҳитини белгилаб берган, — дейди оиланинг катта фарзанди, Кармана туманидаги 14-умумтаълим ўрта мактабининг тарих фани ўқитувчиси Зилола Ражабова. — Отам ҳам, онам ҳам бировтамизни овозини баланд қўйиб уришмаганлар. Отам ҳамон бизга яқин дўстларига бўлгандай муомала қилади. У киши мактабда яхши ўқигани боис, биз билан тез-тез савол-жавоб қилади. Оиламизда паст ёки ёмон баҳо олиш уят ҳисобланарди. Шунинг учун ҳаммамиз олий маълумотли бўлдик. Олти нафар фарзанд турли соҳаларда ўз касбимиз бўйича ишлаб, мустақил юртимиз тараққиётига ҳиссамизни қўшяпмиз. Оиламизнинг ибратли анъаналарини болаларимизга ҳам ўргатяпмиз.

Хонадонда фарзандларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, китобга меҳр бўлакча. Раззоқ аканинг ўзи китобхонлик масаласида ҳамиша ўрнак. Оила аъзолари "Бобурнома"дан "Ўткан кунлар"гача, "Навоий"дан "Улуғбек хазинаси"гача, "Уфқ"дан "Ёлғончи фаришталар"гача бўлган адабиётимиз дурдоналарини қўлма-қўл ўқиб чиқишган. Китобхонлик оила аъзоларининг маданияти ва маънавиятини белгилашини улар яхши билишади.

— Муҳтарам Президентимиз бежиз 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилмадилар, — деб мулоҳазаларини давом эттиради Раззоқ ака. — Эътибор беринг, "мустаҳкам оила" иборасида катта ҳикмат бор. Оила мустаҳкам бўлмаса, жамият мустаҳкам бўлмайди. Биз, ўзбеклар учун оила ҳамиша муқаддас саналади. Комил инсон тарбияси ҳам оиладан бошланади.

Биласизми, укажон, Ўзбекистонда бўлаётган жаҳоншумул ўзгаришларни кўриб, юрагим тўлиб-тошади. Ичимда шундай гўзал ва обод юртимизга кўз тегмасин, деб Худодан қайта-қайта сўрайман, дуоларимда такрор-такрор айтаман.

Бебаҳо неъмат — фарзандларини вояга етказиб, уларни жамиятнинг фидойи инсонлари қилиб тарбиялаган, уларнинг эзгу орзу ва интилишларини амалга оширишда ҳамиша мадад бериб келаётган Раззоқ ака ва Қуралай опани чин маънодаги оилапарвар инсонлар, десак, муболаға бўлмайди. Шунингдек, Раззоқ ака дўст ва дўстликни бениҳоя қадрлайди. У кишининг Фарғона, Наманган, Сурхондарё ва Хоразмда узоқ йиллик дўстлари бор. Соғиниб қолса, шартта дўстлар дийдорига ошиқади. Шу баҳона мамлакатимизнинг водий ва воҳаларидаги бунёдкорлик ва барча соҳаларда бўлаётган тараққиётни кўриб, юртдошларимиз каби терисига сиғмайди. Ҳайрат туйғулари қуйилиб келаверади.

Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашида, тараққий этишида, шубҳасиз, мустаҳкам ва ибратли оилаларнинг муносиб ўрни ва улуши бор. Жумладан, Раззоқ Ражабовлар оиласининг ҳам.

**Ашурали ЖЎРАЕВ**



**БАХТ**

*Суратда: Раззоқ ака Ражабов оила аъзолари, невaралари қуршовида.*

ННТЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# МЕҲРИМИЗ СИЗГА

Жамият тараққиётида турли йўналишлар бўйича самарали фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзига хос ўрни борлиги бугун кўпчиликка яхши маълум. Мазкур тизимда хотин-қизларнинг иштирокига кенг ўрин берилгани мамлакатимизда опа-сингилларимизга бўлган эътиборнинг юксак кўринишидир, десак, айни ҳақиқатни қайд этган бўламиз.

Республика хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Андижон вилоятида ташкил этилган "Меҳримиз сизга" аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий, ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази ўз номига муносиб фаолият юритиб келмоқда. Марказга мурожаат этган фуқароларга мутахассислар томонидан ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, руҳий, тиббий маслаҳатлар берилмоқда. Бундан ташқари, уларга турли касб-ҳунарлар ўргатилиб, иш билан таъминланмоқда.

Маълумки, муаммоли вазиятлар қуршовида қолган инсон кўпинча руҳий мададга муҳтожлик сезади. Шуни ҳисобга олган марказ ходимлари бу ерда руҳшунослар қабулини йўлга қўйишган. Пировардида жорий йилнинг ўзида марказга 150 дан зиёд киши мурожаат қилди. Уларга зарур маслаҳатлар берилиб, руҳий зўриқиш ҳолатидан чиқиб кетишларида, зўравонлик, одам савдосидан жабр кўрганларни эса реабилитация қилиш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, инсон ҳаётида муаммоларнинг кўпайиши, аввало, ундаги ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги билан боғлиқ. Ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билган одам эса турли нохуш вазиятларга тушмайди. Марказ ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаган юртдошларимизга ҳуқуқий ёрдам кўрсатяпти. Хусусан, айни пайтда Абдурашид Маматалиев бошлиқ ҳуқуқшунослар 8 та суд жараёнида адвокатлик ишини олиб бориб, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишмоқда.

Оилалардаги келишмовчиликларнинг илдизи кўпинча иқтисодий етишмовчиликка бориб тақалади. Буни бартараф этиш мақсадида «Меҳримиз сизга» маркази томонидан қиз-жувонларни касб-ҳунарга ўргатиш курсларини кўпайтириш, шунингдек, янги иш ўринларини яратиш учун жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бир қатор амалий ишлар қилинди. Муҳими, бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар бесамар кетмаётир.

Қўрғонтепалик Назира Абубакирова марказ фаолиятидан миннатдорлигини шундай ифодалайди:

— Иш ўринлари қисқариши муносабати билан вазифамдан бўшатилган эдим. Ўзимга муносиб машғулот тополмай кўп овора бўлдим. Аксига олиб, ўша кезларда турмуш ўртоғимнинг ҳам иши юришмай қолди. Гапнинг очиғи, роса қийналдик. Тушкунликка тушиб қолдим. Ниҳоят, «Меҳримиз сизга» маркази ҳақида эшитиб, у ерга бордим. Марказ ходимлари мени илиқ кутиб олишди. Аввало тушкунлик исканжасидан чиқиб кетишимга кўмаклашиб, сўнгра вилоят «Маҳалла» хайрия жамоат фондига малакамга мос ишга жойлаштиришди. Марказ ходимларининг ана шундай савобли ишлари туфайли менга ўхшаган кўплаб ҳамюртларимизнинг мушкули осон бўлмоқда.

Бу йил «Меҳримиз сизга» марказига тиббий соҳада ёрдам сўраб мурожаат қилган 94 нафар кишига малакали шифокорларнинг маслаҳати, ёрдами берилди. Айни кунларда ҳам мазкур йўналишда изчил иш олиб борилляпти. Жумладан, аёлларга тиббий кўрикнинг аҳамияти тўғрисида, шунингдек, касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш, кутилмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш ҳамда ОИВ/ОИТСга қарши курашиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

— Вилоят, шаҳар, туман хотин-қизлар қўмиталари, ички ишлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ билан яқин ҳамкорлик қилиб келаяпмиз, — дейди марказ директори Холида Мирзараҳимова. — Келгусида жойларда марказ филиалларини очишни режалаштирганмиз. Бу йил марказимиз БМТнинг Тараққиёт дастури, Фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Маҳалла» жамоат фонди ҳамкорлигида эълон қилинган «ННТларни ижтимоий жалб этиш» мавзусидаги грант танловида «Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги — оила мустаҳкамлиги гаровидир» номли лойиҳа билан қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди. Лойиҳанинг мақсади кам таъминланган, вақтинча ишсиз ва одам савдосидан жабрланган юз нафар хотин-қизни қандолат маҳсулотларини тайёрлаш курсида ўқитишдан иборат. Сентябрь ойидан касб-ҳунарга ўргатиш бўйича тайёргарлик кўрилиб, октябрь ойидан лойиҳани амалга оширишни бошлаб юбордик. Бундай лойиҳаларни кўпайтириш ниятида изланишлар олиб боряпмиз.

Маҳалла-кўйдаги одамларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати, ҳашар, яхши-ёмон кунларда бир-бирини суяш сингари қадриятларимиз мавжуд экан, бизда нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожлантириш қийин кечмайди. Фақат юртдошларимизга ННТларнинг мақсад ва вазифаларини қалбига таъсир этадиган даражада етказа олсак, бас.

**Шаҳзода ҲАКИМОВА,**
**«Hurriyat» мухбири**

*Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант танловининг «Учинчи сектор ривожи йўлида ҳамфикр, ҳамкадам ва ҳаммаслак бўлайлик» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.*

Реклама

## Бухоро вилояти «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини «Очиқ танлов» савдоларига таклиф этади

**1.** Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро туман ҳокимининг 2012 йил 14 ноябрдаги 1101-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун Бухоро тумани «Работ Қалмоқ» ҚФЙ «Деҳожи» қишлоғи ҳудудидан «Қолин цехи» биносини қуриш учун мўлжалланган 3367.44 кв.м.дан иборат 1 (бир) та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда: Ер учаткасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 008 634 сўм.

**2.** Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Жондор тумани ҳокимининг 2011 йил 14 сентябрдаги қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.

| т/р | Объектнинг фаолият тури | Объектнинг ер майдони | Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати (сўм) | Объектнинг жойлашган манзили |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Тикиш цехи | 75.0 | 23433 | Жондор тумани Навработ ҚФЙ "Жўйсафед" қишлоғи |
| 2 | Савдо дўкони | 54.0 | 16872 | Жондор тумани Хумдонак ҚФЙ "Мадамбой" қишлоғи |
| 3 | Савдо дўкони | 54.0 | 16872 | |
| 4 | Тикиш цехи | 54.0 | 16872 | |
| 5 | Тикиш цехи ва интернет кафе | 104.0 | 32494 | |
| 6 | Сартарошхона | 50.0 | 15622 | |
| 7 | Гўзаллик салони | 50.0 | 15622 | |
| 8 | Гўшт дўкони | 40.0 | 12498 | |

**Талабгорлар диққатига!**

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов ғолиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро ва Жондор тумани архитектура бўлимлари томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларни кўпи билан 1 йил муддат ичида бажариши шарт.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш хабар матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва савдо кунидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро тумани бўйича Бухоро тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 24 декабрь куни соат 11:00 да очилади ва танлов ғолиби аниқланади. Жондор тумани бўйича Жондор тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 24 декабрь куни соат 15:00 да очилади, 2012 йил 24 декабрь куни соат 17:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 24 декабрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йил 2, 9, 16, 23 январь кунлари соат 11:00 да Бухоро тумани ҳокимлиги биносида, соат 14:00 да Жондор тумани ҳокимлиги биносида бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

**Талабгорлар диққатига!**

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Танлов ташкилотчиси» **«SHAD SAVDO ZAMIN»** масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар Ипотека банк Сардор филиалидаги МФО 00119 СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пуллари тўлашлари шарт.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳаққининг бир баровари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги хужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар-давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси,шунингдек танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар-паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

***Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 10-уй Телефонлар: 8 (365) 223-69-62.***

**Лицензия RR-0048**

**ИЗМЕНЕНИЯ**

*Вниманию руководителей строительных организаций и предприятий!*

**В объявлении о конкурсных торгах Бухарского облостного консальтинговый центр опубликованном в №47 газеты «Ҳуррият» от 14 ноября 2012 года текст:**

Лот-7. Лот 7-1. реконструкция Бухарского городского медицинского объединения (III этап). Строительство семейной поликлиники №7 на 200 посещений в смену в городе Бухаре.

Реконструкция медицинского объединения в Жондорском районе Бухарской области (II) этап. Строителства инфекционного корпуса на 40 коек и терапевтического корпуса на 30 коек в райцентре Жондор, Жондорского района. — Срок завершения строительства —1 августа 2013 года. **Читать как:**

Лот-7. Лот7-1. реконструкцияБухарского городского медицинского объединения (III этап). Строительство семейной поликлиники №7 на 200 посещений в смену в городе Бухаре.

Реконструкция медицинского объединения в Жондорском районе Бухарской области (II) этап. Строителства инфекционного корпуса на 40 коек и терапевтического корпуса на 30 коек в райцентре Жондор, Жондорского района. — **Срок завершения строительства —1 октября 2013 года.**

# Ахборот ва сўз эркинлиги кафолати

(Бошланиши 1-бетда.)

Йиллар пояма-поя ўтиб бораверади. Бугун босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизга назар соларканмиз, Ўзбекистон эришган, дунё ҳамжамияти тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, аввалambор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз, унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳонда мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани — буларнинг барчаси Конституциямизнинг асосига қўйилган чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принципи ҳамда нормаларнинг ҳаётбахш самараси эканига яна бир бор амин бўламиз.

Бу — жамиятни демократик янгилаш жараёнининг жадаллаштирилиши, инсон манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили бўлган матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятига берилаётган эътиборда ҳам яққол намоён бўлади. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, тарихда илк бор мамлакатимиз Конституциясида оммавий ахборот воситалари учун алоҳида боб (XV-боб) ажратилди. Бу бобдан ўрин олган 67-модда билан оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва у қонунга мувофиқ ишлаши, ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгар экани, цензурага йўл қўйилмаслиги кафолатланди.

Асосий Қонуннинг 29-моддасида эса "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга" экани белгилаб қўйилган.

Конституциямизда белгиланган бу ҳақ-ҳуқуқлар миллий журналистиканинг замон талаблари даражасида ривожлантириш, мамлакатимиз матбуоти ва оммавий ахборот воситалари даврнинг ҳақиқий кўзгусига айланиши, "тўртинчи ҳокимият" бўлиши, жаҳон ахборот майдонида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаши йўлида кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш учун замин яратди. Конституция асосида қабул қилинган ўнга яқин қонунлар, кўплаб қонуности ҳужжатлари оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, медиа маконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Ҳусусан, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида таклиф этилган қатор қонунлар соҳани янада ривожлантириш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Шу ўринда 2011 йил 30 декабрда Президентимиз томонидан қабул қилинган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарорини алоҳида тилга олиш лозим. Зеро, ушбу қарор оммавий ахборот воситалари фаолиятини рағбатлантириш, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш воситасида мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда уларни фаоллигини кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишга қаратилган. Иқтисодий жиҳатдан эркин ва молиявий мустақил бўлган оммавий ахборот воситаси сифатли ахборот хизматларини кўрсатиш, кенг жамоатчиликка тўла, тезкор, холис ҳамда ҳаққоний ахборот етказиш имкониятига эга бўлади.

Мамлакатимизда матбуотни ривожлантириш, ОАВни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жаҳон андозалари даражасида фаолият олиб боришларига ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази каби қатор нодавлат жамоат ташкилотлари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда соҳани модернизациялашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

Дунёдаги етакчи мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимининг такомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ҳамда савиясини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йилда қабул қилинган "Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлди. Улар ижроси доирасида миллий журналистика таълими соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Марказий Осиёдаги отахон билим даргоҳи — Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети фаолияти замонавий талабларга мувофиқ янада такомиллаштирилди. Бугунги кунда факультетда бакалавриат босқичида 350 га яқин, магистратурада 66 нафар йигит-қиз таҳсил олмоқда. Худди шунингдек, университет қошида махсус икки йиллик Олий журналистика курслари фаолият олиб бораётир. Бу курсларга танлов асосида бошқа мутахассисликлар бўйича бакалавр даражасига эга бўлган ва журналистика соҳасида ижодий қобилиятга эга ёшлар қабул қилинмоқда. Бу эса журналистикада ихтисослашув муаммосини бартараф этишга хизмат қилади, албатта.



Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 1999 йили ташкил этилган халқаро журналистика факультети ҳам соҳа учун кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимиздаги буюк ўзгаришларни жаҳон оммасига етказувчи ва шу билан бирга халқимизни дунё ҳамжамиятида юз бераётган воқеа-ҳодисалар билан ўз вақтида таништирувчи халқаро журналистларга бўлган эҳтиёж ушбу факультетнинг очилишига замин бўлди. Ўтган вақт мобайнида халқаро журналистика факультетида инглиз, немис, араб, испан, хитой, япон, форс, француз, корейс, польяк тилларини пухта биладиган, замонавий фанлар малакасини тўла эгаллаган юзлаб мутахассислар етишиб чиқди. Ҳозирги кунда факультетда 200 дан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Бундан ташқари, Нукус давлат университетида ҳам журналистика соҳасида кадрлар тайёрланиб, йилига 30 га яқин мутахассислар оммавий ахборот воситалари ходимлари сафини тўлдириб келмоқда.



Соҳага берилаётган бундай эътибор натижасида мамлакатимизда миллий медиаолам шаклланди ва унда мустақил оммавий ахборот воситалари янги шакл, янги мазмун касб этиб, халқаро меъёрлар ва андозалар талаблари даражасидаги минбарга айланди. Бугунги кунда республикада жами 1300 га яқин оммавий ахборот воситаси фаолият олиб бормоқда. Мавжуд барча босма нашрларнинг 60 фоизи, телеканалларнинг 53 фоизга яқини, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳиссасига тўғри келмоқда. 1994 йили мамлакатда ҳаммаси бўлиб 475 та ОАВ мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти давлат тасарруфида бўлганини ҳисобга олсак, бу рақамлар салмоғи яққол намоён бўлади. Шу билан бирга Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида ОАВ фаолият олиб боришини, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилишини таъкидлаш жоиз.

Яна бир муҳим янгилик эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мультимедиа технологиялари жорий қилинаётганида намоён бўлмоқда. Бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Миллий телерадиокомпания таркибида шакллантирилаётган ва 2013 йилдан фаолият бошлайдиган "Дунё бўйлаб" ва "Маданият ва маърифат" телеканаллари айнан ана шундай энг замонавий рақамли технологиялар асосида иш олиб бориши кўзда тутилган.

Шуни алоҳида қайд этмоқчимизки, мамлакатимиз ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш, ходимлар меҳнат шароитларини яхшилашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳудудлардаги ОАВ сони ва сифати йил сайин ортиб бормоқда. Мустақилликдан аввал фақат вилоят ва туман газеталари чоп этилган бўлса, эндиликда нодавлат даврий нашрлар ва телерадиостанциялар фаолиятига кенг йўл очилди. Вилоятлар марказида бунёд этилган ва шаҳарлар ҳуснига-ҳусн қўшиб турган Матбуот уйларида яратилган шарт-шароитлар, замонавий ахборот технологиялари ҳудудий ОАВ ходимларининг ижодий салоҳияти, замонавий билим-кўникмаларининг мустаҳкамланишида муҳим омил бўлмоқда. Бунёд этилаётган замонавий технологиялар билан жиҳозланган нашриёт ва босмахоналар даврий нашрларнинг тез ва сифатли чоп этилишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, нодавлат электрон ОАВ фаолияти ҳам ривожланмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси таркибидаги 100 дан ортиқ телерадиоканалларнинг аксарияти мамлакат ҳудудларида фаолият олиб бораётгани фикримиз далилидир.

Журналистлар, таъбир жоиз бўлса, бугунги қизғин ҳаётимизни бор бўйи билан битиб қолдираётган солномачилардир. Мамлакатда амалга оширилаётган янгиланишлар, эришилаётган ютуқларга журналист кадрлар ўзларининг иқтидори, ўткир қалами, фидойи меҳнати билан муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шу ўринда соҳа ходимларининг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш, уларни рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунининг кенг нишонланиши, миллий журналистика ривожига катта ҳисса қўшган, узоқ йиллар самарали ижодий фаолият олиб борган соҳа вакиллари учун "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвонининг таъсис этилгани, соҳанинг фидойи ходимлари ҳар йили Президентимиз Фармонига кўра Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаб келинаётгани фикримиз далилидир.

Бу борада журналистикамиз ривожига хизмат қилаётган турли кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, грантлойиҳалар, ижтимоий дастурлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиб келинаётган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов, "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуғ, энг азиз" каби қатор нуфузли танловлар ҳам журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш, иқтидорли ижодкорларни рағбатлантиришга хизмат қилаётганини алоҳида тилга олиш жоиз. Хусусан, биргина "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танловда шу вақтга қадар 3000 дан ортиқ журналист ўз маҳоратини синовдан ўтказди ва улардан 183 нафари ғолиб ва совриндор сифатида тақдирланди. Шунингдек, 40 нафар ижодкор танлов доирасида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган нуфузли халқаро ташкилотларнинг (БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Регионал диалог) Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан таъсис этилган мукофотларга сазовор бўлди.

Ўтган йиллар давомида матбуот ва ОАВ соҳасида амалга оширилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар,эришилган ютуқлар ҳақида кўп тўхталиш мумкин.Хулоса қилиб айтганда, буларнинг барчаси замирида яқин вақт ичида биз 20 йиллигини кенг нишонлайдиган Асосий Қонунимиз турибди. Туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра илғор миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган Конституциямиз мамлакатимизни изчил ривожлантиришнинг, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, юртимизда демократия ва умуминсоний принципларни амалга оширишнинг мустаҳкам қонуний асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

**ҲАМКАСБ**

# Менинг устозим ... дарахт

Суҳбатдошимиз Маҳмуд Абулфайз ўттиз икки йилдан буён вилоят "Сурхон тонги" газетасида ишлаб келади. Айни пайтда "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлигининг вилоят бўйича мухбири ҳам. Маҳмуд акани кўп йиллар давомида мухбирликнинг иссиқ-совуғи, оғир-енгили, борингки, қувончу заҳматларини беармон тотган десак, муболаға бўлмас. Шу йиллар мобайнида унинг "Мард қолур майдон ичинда" (ҳаммуаллифликда), "Тоғлардек яшаса одам" (ҳаммуаллифликда), "Юрак ухламайди" (ҳаммуаллифликда) номли публицистик мақолалардан иборат китоблари, шунингдек, "Одамни армонлар улғайтиради", "Одамлар осмонда яшайдилар" номли новелла, ҳикоя, эсселар, ҳужжатли қиссадан иборат тўпламлари дунё юзини кўрди. Маҳмуд Абулфайз "Йилнинг энг яхши журналисти-2007", "Қариялар юрт кўрки" (2001 йил) республика кўрик-танловларида фахрли ўринларни эгаллаган.

***Ҳамкасбимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловида биринчи ўринга сазовор бўлди. Маҳмуд ака ўзининг болалиги, журналистика соҳасига кириб келиши ва бу касбнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида шундай дейди:***

— Ишонинг, бирон-бир ижодкорни туғилган маконидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Дейлик, шифокор, ўқитувчи, солиқчи, муҳандис ёки бошқа бир касб-кор эгаси гузари тушса, қишлоғи, қўрғонига келиши мумкин. Бироқ қаламкаш ҳақида бундай деб айтиш қийин. Кўзга кўринмас иплар уни туғилган гўшаси билан узвий боғлаб туради. Бу ришталар ҳеч бир муболағасиз, унинг ҳаёт томири, керак бўлса, жон томирларидир. Башарти, ижодкорнинг туғилган гўшасига оёғи етолмай қолса, унда соғинчга тўла кўнгли ҳар куни бориб-келиб туради. Кўнгил сафарига бирон-бир нарса тўсиқ бўла олмайди..

Олтинсой туманидаги мен туғилган Чинор шундай бир маконки, қайси жойидан туриб қараманг, бош тарафдан Чўлибойир-Керага тоғлари юксалиб кўзга ташланади. Биз бир умр шу ҳайбатли тоғларга қараб толиқмадик. Аксинча, қувват олдик, рағбатландик. Аксинча, тоғлар, баландликлар томон талпиндик. Шу талпиниш, илҳақлик бизни алал-оқибат ҳаётнинг катта ва синовли йўлига олиб чиқди.

***— Илк бор қандай мақола ёзганингизни эслай оласизми?***

— Албатта, нимадир ҳақда ёзишдан аввал одам ўқиши керак экан, деб ўйлайман. Ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларимда китобми, газетами, қўлимга нима тушса, бир бошидан ўқиб чиққич одатим бор эди. Агар адашмасам, 8-синфда ўқиётган пайтимда Денов туманида чиқадиган ҳозирги "Чағониён" газетасига бир танқидий хабар юбордим. Шу ёзганим "Ташвишли сигнал" рукнида эълон қилинди. Неча кунлар қувонганим, кечалар ухламаганим ҳалиям ёдимда. Шундан кейин рағбатланиб ёздим, ёзавердим. Ёзганларим туман газетасидан ошиб, вилоят, республика газеталарида ҳам (аҳён-аҳёнда бўлса ҳам) босиладиган бўлди. Бундан қарийб ярим аср бурун туман газетасида Чори Ёқубов деган фидойи журналист, ёзувчи, бағри кенг бир инсон ишларди. Шу одамнинг ёзганларимга эътибор билан қарагани ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Шунда англаганманки, ёшлардан яхши гапни ҳеч қачон аямаслик керак. Яхши гап асло унутилмайди.

***— Албатта, ҳар бир касб-ҳунар соҳибининг муаллими, ўргатувчиси бўлади. Мана гап айланиб ўзингиз устозлардан сўз очдингиз. Шу маънода устозларингиз ҳақида эшитсак.***

— Дарҳақиқат, агар устоз бўлмаса, шогирд камолга етмайди. Лекин назаримда, боланинг ўзида, зуваласида бўлмаса, уни Афлотун ёки Арасту ўқитса ҳамки, фойдаси йўқ. Менимча, "устоз" сўзи жуда кенг маънодаги тушунча. Устоз албатта, ёши улуғ, тажрибаси катта, илми поёнсиз киши. Лекин ижодкорга айни пайтда гўдак ҳам устозлик қилиши мумкин. Айтайлик, гўдакнинг беғубор кулгуси ёки покизаликка йўғрилган хатти-ҳаракатларини кўриб, сўзларини эшитиб, ижодкорга самимият нақадар зарурлигини англайсиз. Тасаввур қиласизми, оддий бир чумоли ҳам тонгдан шомга қадар аниқ бир мақсад билан ҳаракат қилади. Чўлибойир тоғларидаги қаттиқ харсангни ёриб чиққан ва ҳар кузакда шиғил мева берадиган дўланани олинг, ахир буларнинг ҳаёти ўзини билган одамга бир улуғ сабоқ эмасми?

Қайси бир йили баҳор адоқлайвериб Термиз давлат университети доценти Шариф Ёқубов домла ва яна бир неча киши у туғилиб вояга етган, Шеробод туманидаги Хўжақия қишлоғига бордик.

— Мен сизларга "Яшин урди" тепалигини кўрсатаман, — деди Шариф ака, — кўриб хурсанд бўласизлар.

Агар "Яшин урди"га баногоҳ тепадан бориб қарасангиз, турган гапки, экскаваторлар ёрдамида тош-шағал ковлаб олинадиган катта карьернинг устидан чиқиб қолибман-да, деб ўйлайсиз. Айтишларича, бундан 200-250 йил бурун кучли яшин тушиб, катта тепаликни улоқтириб юборади. Фақат ўртада тўрт кишилик дастурхон сатҳидаги тепача қолади. Ҳар баҳор бу ердаги адирларда лолалар чаман бўлиб очилади. "Яшин урди"даги тепачада ҳам ҳар йили бир туп лола қип-қизил бўлиб бўй кўрсатади. Ҳамманинг ҳаваси келади. Болалар, ишқибозлар, қизиқувчилар чор атрофдаги лолаларни битта қолдирмай териб кетишади. Фақат шу тепачадаги бир туп лола чўғдек очилганча, кўзларни қувнатади, ҳамманинг ҳавасини келтириб яшнаб туради. Уни узиб олишга талабгорлар жуда кўп бўлади, лекин ҳеч кимнинг бўйи ҳам, қўли ҳам етмайди. "Яшин урди" тепалигидаги бир туп лоланинг ҳаёти менга унутилмас сабоқ бўлди. Агар Яратгандан изн бўлса, шу азиз Ватанда атиги бир марта ато этиладиган ҳаётда бир неча муддат барқ уриб кўкариб, яшнариб турмоқ ҳам катта бахт эканлигини ана шунда англадим. Иккинчи воқеа: бундан тахминан ўн, ўн икки йиллар бурун баланд Бойсун тоғ тизмаларида жойлашган Писташиканак деб аталган баҳаво, хушчирой манзилда эдик. Бир чолнинг чорбоғидаги супада тўрт-беш киши гурунглашиб ўтирардик. Шунда рўпарамиздаги сариқ толга бир инжа қуш келиб қўнди. Бир маҳал сайраб юборса бўладими денг! Булбул! Илк бор булбулни яқиндан кўриб турганимиз эди. Завққа тўлиб шу қадар сайрардики, азбаройи меҳнатнинг, завқнинг зўридан ҳалқуми шишиб кетарди. Чамаси, бир соатлар (балки ундан ҳам кўпроқ вақт) сайради. Ҳам роҳатландик, ҳам ҳайратландик. Ана шунда менга булбул бир соат устозлик қилган эди.

***— Очиғи, бу гапларингиз жуда маъқул. Бугун мухбир, журналист бўлиш иштиёқида юрган ёшларга нима деган бўлардингиз?***

— Менингча, журналист бўлиш учун ҳамиша айтиб келинадиган кўп ўқиш керак, деган гапдан бошқа яна бир гапни айтиш мумкин: "Гар киши ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим". Зотан, барчамизнинг катта устозимиз Ҳаёт.

Албатта, ҳар бир ёш ижодкор катта йўлга тушаркан, аввал ўтган ижодкорлар билан бир қаторда ўзига замондош қаламкашларнинг тажрибаларидан ҳам сабоқ олиши хайрли ва фойдалидир.

Университетда ўқиб юрган кезларимизда раҳматли профессор Очил Тоғаев, Бегали Қосимов, шунингдек, маҳоратли домлаларимиз Сайди Умиров, Бойбўта Дўстқораевлар берган сабоқлар асло унутилмайди. Университетдан сўнг биз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Соатмурод Жўрақуловдан бағрикенгликни, одамгарчиликни баҳоли-қудрат ўргандик. Узоқ йиллар вилоят газетасида ишлаган марҳум Норқул Ҳайитқуловдан мавзуни чуқур ўрганиш, сабот-матонат билан ишлашни, ёзувчи Менгзиё Сафаровдан яшаб турган манзил-маконга меҳр-муҳаббат билан қарашни ўргандик ва ҳоказо. Дейлик, бугунги яшаб, фаол ишлаётган — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Олимжон Усановдан барча мавзуларда эринмасдан изланишни, касбга муҳаббатни, "Чағониён" газетаси бош муҳаррири Зойир Мамажоновдан жасорат, қатъиятни (асли ўзи жасоратни ўрганиб бўладими!), Бахтиёр Олломуроддан топқирлик ва фидойиликни ўрганиш мумкиндир. Лекин бу йўлда бир киши тўла маънода устозлик қила олмаслиги ҳам мумкин. Агар лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бир кишининг яхши ижодкор, журналист бўлиб етишиши учун кўпдан кўп омиллар зарур бўлади. Буни ёддан чиқармаслик керак. Ҳатто умуман ижодга алоқаси бўлмаган — дашту далаларда умри кечаётган чўпон ёки деҳқон ҳам сизга устозлик қилиши мумкин. Ҳамма гап сизнинг устоз таълимини англашингизда, илғай олишингизда қолади.

***— Маҳмуд ака! Самимий суҳбатингиз учун миннатдорлик билдираман. Ҳаётингиз ёруғ, ижодингиз баракали бўлишини Яратгандан тилаб қоламан.***

**Комила ЮСУПОВА суҳбатлашди.**

**ДАРАКЛАР**

### ҒАРОЙИБ ШОКОЛАДЛАР ЯРМАРКАСИ

**Италиянинг Болонья шаҳрида ҳар йили ноябрь ойида ўтказиладиган Cioccoshow ширинликлар ярмаркасида шоколаддан тайёрланган дунёдаги энг катта танга Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.**




Мазкур 1 евро пул бирлиги тасвирланган шоколадли танганинг оғирлиги 640 килограммни, диаметри 1,955 метрни, қалинлиги 17 сантиметрни ташкил этди. Ушбу ярмарканинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда шоколад тайёрлаш бўйича тенгсиз ҳисобланган пазандалар ўз янгиликлари билан барчани ҳайратга солишга уринишади. 2011 йили Болонья шаҳрида ўтказилган ширинликлар фестивалида тайёрланган энг узун шоколад ҳам Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган эди. Ўшанда унинг савдосидан тушган 2161 еврога тенг маблағ Лигуриядаги сув тошқинидан азият чеккан кишиларга ёрдам тариқасида ажратилганди. Бу сафарги ғаройиб ширинликдан тушган маблағ шу йилнинг май ойида Италиянинг Эмилия-Романья ҳудудидаги зилзиладан жабр кўрганларга сарфланиши маълум қилинди.

### ТАБИАТНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

**Эквадор ҳукумати каламушларни йўқ қилиш мақсадида Пинсон ва Пласа Сур оролларига вертолёт ёрдамида 22 тонна заҳар кукунини сочди.**



Айни дамда ўзининг ўта ноёб турдаги қушлари ва судралиб юрувчилари билан ном чиқарган мазкур ҳудуд экологик ҳалокатга яқин турибди. XVII асрда қароқчи ва кит овчилари кемаларида бу оролларга етиб келган Норвегия қора каламушлари сони йилдан-йилга ортиб, табиатга катта зарар етказмоқда, деб хабар беради "The Guardian" газетаси.

Ҳозирги кунда умумий майдони 1810 гектарни ташкил этувчи Пинсон ва Пласа Сур оролларида 180 миллиондан ортиқ каламуш мавжуд. Бу ҳудуднинг ҳар бир квадрат метрига 10 та кемирувчи тўғри келади, дегани. Улар улкан тошбақа, калтакесак, илон, бургут ва игуаналарнинг тухумини еб битказмоқда. Боз устига, кемирувчилар Галапагос жонзотлари еб кун кўрадиган ўсимликларни ҳам пайҳон қилишмоқда.

### ҚАРЗДОРЛАРГА КЎМАК

**Испания ҳукумати мамлакатда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида банк-кредит қарзларини тўлай олмаётган оилаларнинг уйларини мусодара қилишга қарши бир қатор чоралар кўрмоқда. Бу ҳақда "Bloomberg" нашри хабар берди.**



Банклар қарзларини узишга қурби етмаган оилаларнинг уйларини энди 2 йилгача тортиб ололмайди. Аммо бу имконият маоши 1600 евродан кам ҳамда боласи иккитадан кўп бўлган ёки фарзанди 3 ёшга тўлиб улгурмаган оилаларгагина берилади. Бундан ташқари, ногирон ёки касалманд қариндошини ўз парваришига олган, шунингдек, ишсиз қолиб, ҳар қандай ёрдам пулларидан маҳрум этилган кишиларнинг уйи ҳам мусодара қилинмайди. Бироқ бу чоралар банкларга катта хавф солмоқда. Айни дамда Испания Европадаги ишсизлик авж олган мамлакатлар рўйхатида биринчи ўринда турибди. Ҳозирда унинг 26 фоиз аҳолиси ишсиз ва бу кўрсаткич ортиб бормоқда.

### "АШАДДИЙ" МУХЛИСЛАР УЧУН ҚОНУН

**Россия давлат ДУМАси депутатлари спорт мусобақалари чоғида тартибсизликларга йўл қўйган мухлисларни жамоат ишларига мажбурий тарзда жалб этиш таклифи билан чиқишди. Бу ҳақда "РИА Новости" хабар берди.**



Мамлакат спорт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Расмий спорт мусобақаларида жамоатчилик тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида"ги мазкур қонун лойиҳаси 16 ноябрь куни депутатлар муҳокамасига киритилди. Қонун лойиҳасида ишқибозларнинг стадионларда ўзини тутиш қоидалари ҳамда қонунбузарликларга қарши чоралар белгилаб қўйилган. Маълум бўлишича, спорт мусобақалари вақтида бир-бирини ҳақорат қилиш, файерларни ёқиш, ўриндиқларни синдириш, майдонга югуриб чиқиш, муштлашиш ва шунга ўхшаш ҳолатларда ишқибозлар жаримага тортилиши, маълум муддатга ҳибсга олиниши ёки жамоат ишларига мажбурий жалб этилиши мумкин.

### МУКАММАЛ СЕНСОРЛИ ҚУРИЛМА

**Американинг Qeexo компанияси томонидан ишлаб чиқарилган сенсор экранли смартфон ва планшетлар дисплейи энди унга теккизилган турли предметларни фарқлай олади, деб ёзади "MIT Technology Review" нашри.**




"Finger Sense" номини олган бу турдаги қурилмалар бармоқнинг юмшоқ, бўғин ва тирноқ қисмлари, пластмасса ҳамда резина билан унинг дисплейига тегилганда чиққан товушдан предметларни бирбиридан ажратади. Қурилма экранга теккизилган предмет турига қараб маълум бир дастур ишга тушади. Масалан, бармоқнинг юмшоқ қисми билан хатларни, бўғин қисмида бош менюни очиш мумкин. Расм чизишга мўлжалланган дастурда пластмасса қалам, резина эса ўчиргич вазифасини бажаради. Мазкур янгилик истеъмолчилар томонидан илиқ кутиб олинмоқда.

**Интернет хабарлари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.**

**Шарҳ**

# Истиқболли ҳамкорлик

**Дунё шиддат билан ўзгараётган ҳозирги даврда давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва савдо-сотиқ муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга. Республикамиз ҳам ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ дунёнинг барча мамлакатлари билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва манфаатли ҳамкорликни ривожлантириб келмоқда.**



Бундай муносабатларда араб дунёси давлатлари, шу жумладан, — Арабистон ярим оролининг жануби-шарқида жойлашган давлатлардан бири Уммон султонлиги муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон ва Уммон султонлиги ўртасида дипломатик алоқалар бундан 20 йил олдин, 1992 йил 22 апрелида ўрнатилган.

Уммон султонлиги жадал ривожланаётган, нафақат ўз минтақаси, балки бутун жаҳонда ўзига хос нуфузга эга мамлакатлардандир. Уммон илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, илм-фанни ривожлантириш, сармоявий фаолият соҳаларига ҳам кучли эътибор қаратмоқда.

Халқларимизнинг тарихий, маданий ва маънавий яқинлиги, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги муштарак интилишлари икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда пухта замин бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтисодиёт глобаллашиб, жаҳон бозорларида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда энергия манбаларига, замонавий технологияларга, транспорт коммуникациялари тармоқларини янада ривожлантиришга талаб тобора ошмоқда. Буларнинг барчаси икки мамлакат ўзаро алоқаларини ривожлантиришни замоннинг ўзи талаб қилаётганини англатади.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Ҳар икки ҳамкор мамлакат терроризм, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси каби таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларда ҳамфикрдир. Уммон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди ва қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ва Уммон БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти каби халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Уммон билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун араб мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очади. Уммон Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида қарайди. Мамлакатимиз билан алоқаларни кенгайтириш орқали Уммон учун бутун минтақамиз билан ҳамкорликни ривожлантириш имконияти янада кенгаяди.

Айтиш керакки, ҳар икки мамлакат ёқилғи-энергетика мажмуи соҳасида улкан салоҳиятга эга, қишлоқ хўжалигида катта тажриба орттирган. Нефть-газ, нефть кимёси, металлургия, қурилиш, машинасозлик, тўқимачилик каби соҳаларда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма тадқиқотлар олиб боришдан икки томон ҳам манфаатдор.

Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил октябрида Уммон султонлигига давлат ташрифида таъкидлаганидек, Ўзбекистон ва Уммон ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга, айниқса транспорт коммуникациялари, нефть-газ, кимё саноати, қурилиш, савдо, сайёҳлик, юқори технологиялар каби соҳаларда ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Таъкидлаш жоизки, Уммон ишбилармон доиралари ва тадбиркорлари Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳаларга, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Уммон — Қатар йўналишидаги транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этиш борасидаги ташаббусига катта қизиқиш билдираётир. Ўтган йили Теҳронда Ўзбекистон, Эрон, Уммон ва Туркманистон вакилларининг кенгаши ўтказилиб, унда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилингани бунинг ёрқин исботидир. Ўзбекистон ва Туркманистонни Эроннинг жанубий бандаргоҳлари билан темир йўл орқали боғлаш Форс ва Уммон кўрфазлари билан бутун Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ғоят муҳим алоқа тармоғини яратиш имконини беради. Юклар, жумладан, транзит юклар ташувига автомобиль ва денгиз транспорти ҳам жалб этилса, савдо ҳажми янада ортади. Уммоннинг бу жараёнда иштирок этиши минтақада сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Катта сармоявий салоҳиятга эга бўлган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш, жумладан, мазкур транспорт тармоғини ривожлантириш учун асос вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон ва Уммон табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, иқтисодиётни модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш, экспорт таркибида тайёр маҳсулот улушини ошириш, умуман, иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш борасида тажриба алмашиш, энергетика, кимё саноати, транспорт коммуникациялари, қурилиш, сайёҳлик, юқори технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдалидир. Негаки, 3 миллиондан зиёд аҳолига эга Уммон иқтисодиёти яқин пайтларгача нефтга суянган. "Қора олтин" захиралари камайгани сайин мамлакат расмийлари иқтисодиётни диверсификациялашга, газ қазиб чиқаришни, металлургия саноати ва сайёҳлик бизнесини ривожлантиришга зўр бераяпти. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, аҳолининг саводхонлик даражасини ошириш ҳам кун тартибидаги асосий мавзулардандир.

Икки мамлакатнинг бир-бирига ўхшаш яна бир муҳим жиҳат бор. Етакчи халқаро молия институтларининг баҳосига кўра, бугун Ўзбекистон ва Уммон дунёдаги иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган саноқли мамлакатлар сирасига киради. Икки мамлакат ҳам экспортда хомашёнинг улушини қисқартириб, тайёр маҳсулот ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Қолаверса, Уммон расмийлари Ўзбекистон ғалласи ва мева-сабзавот маҳсулотлари импортини йўлга қўйиш таклифини ҳам илгари суришмоқда.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари, меъморий обидалари, буюк алломалар хоки қўним топган қадамжолари Уммон аҳлида катта қизиқиш уйғотиши табиий. Айни пайтда Уммонда ҳам кўплаб тарихий обидалар борки, улар Ўзбекистон сайёҳлик компаниялари учун ўз мижозларига таклиф этадиган яхши ресурс бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кейинги пайтларда расмий Масқатнинг пойтахтни сайёҳлик марказига айлантиришга уринишлари бежиз эмас. Чунки биргина 2011 йилда Уммонга 1,6 миллион сайёҳ ташриф буюрди.

Эътироф этиш керакки, Уммон давлати вакилларининг юртимизга қизиқиши юқори. Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари жадал тараққий этаётгани жуда қувонарли албатта.

**Бахтиёр ИБРОҲИМОВ,**
**шарқшунос**

Реклама

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ
## очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2012 йил 25 декабрь соат 11:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси ҳисобидаги 2001 йилда и/ч "Тико" русумли, д/р 80 151 ВАА, ранги жигарранг, техник носоз, бошланғич баҳоси 12 200 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

2012 йил 25 декабрь соат 15:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида Бухоро шаҳрида жойлашган "Бухоротурист" МЧЖ ҳисобидаги 1995 йилда и/ч "ТОЙОТА ХАЙС" русумли, д/р 20 АА 132, ранги оқ, техник носоз, бошланғич баҳоси 6 790 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Мазкур автотранспорт воситалари биринчи савдо куни, яъни 2012 йил 25 декабрь кунида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 ва 15:00 да ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида сотувчи билан транспорт воситаси олди-сотди шартномаси тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уйда ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal auktsion invest" МЧЖ Бухоро вилоят филиалининг "Турон банк" Бухоро вилоят филиалидаги МФО: 00111, СТИР: 302083379, 20208000004932168017 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

***Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (Давлат мулк қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси).***
***Тел: (8365) 223-97-14.***

## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Наманган вилоят филиали
## очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2012 йил 24 декабрь куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Тўрақўрғон тумани, Оқтош шаҳарчаси, Бобур кўчаси, 2-уйда жойлашган "Тўрақўрғон нефт база" унитар корхонаси балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1994 йилда и/ч «ГАЗ-31029» русумли, д/р 50 921 ЕАА, бошланғич баҳоси 1 443 000 сўм, 1991 йилда и/ч «ИЖ-2715» русумли, д/р 50 948 ЕАА, бошланғич баҳоси 686 000 сўм, 1996 йилда и/ч «ИЖ-2715» русумли, д/р 16 АН 404, бошланғич баҳоси 849 000 сўм, 1995 йилда и/ч «ВАЗ-21099» русумли, д/р 16 АС 377, бошланғич баҳоси 1 275 243 сўм, 1994 йилда и/ч «ВАЗ-21063» русумли, д/р 50 806 GAA, бошланғич баҳоси 2 280 000 сўм.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 га қадар вилоят давлат мулки бошқармаси биносининг 15-хонасида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан 1 (бир) кун аввал соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Тўрақўрғон тумани, Оқтош шаҳарчаси, Бобур кўчаси, 2-уйда жойлашган "Тўрақўрғон нефть база" унитар корхонаси маъмурий биносида ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 50 (эллик) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлими МФО: 00223, СТИР 302083379, 20208000104932168005 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Қўшимча маълумот учун манзил: Наманган шаҳар, Банк кўчаси, 9-уй. Тел/факс: (8369) 226-41-66, e-mail: 1nrs@mail.ru**

**ТУЗАТИШ!!**

**"Universal Auktsion Invest" МЧЖ Марказий идора** томонидан "Ҳуррият" газетасининг 2012 йил 7 ноябрь 46 (798)-сонида чоп этилган эълондаги аукцион савдосини ўтказиш саналари қуйидагича:

**2012 йил 11 ва 26 декабрь" ўрнига "2012 йил 25 декабрь ва 2013 йил 9 январь** деб ўқилсин.

**Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.**
**Тел: (+99871) 236-74-67.**

*Гувоҳнома № 004059*

**ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ**

# Тарих — улуғ мураббий

Ҳар қандай миллий тараққиётга бевосита фуқароларнинг ўзлигини англаш жараёни асос бўлади. Ўзликни англаш эса ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат, ўзини англаётган ҳар бир одам қандай оилада дунёга келгани, ўз аждодлари кимлар бўлгани, ота-боболари нималар билан шуғулланишгани ва қандай умр кечиришганини билиб олишга интилади. Уларнинг тажрибалари, фазилатлари ва маданий меросларига таянади.

Ўз наслу насабини билиш, келиб чиқишини ўрганиш кишининг ҳаётда омонат ё тасодифий эмаслигини тушунишга имкон беради. Унда ўтмиш билан фахрланиш ҳисси кучаяди Шу билан бирга атроф-муҳит, уни ўраб турган олам хусусида ўйлашга ундайди. Ана шу туйғу умуммиллий аҳамият касб этса, миллий равнаққа, миллий тараққиётга асос бўлади.

Ўтмиш тажрибаси одамзодни, ҳаётни тушуниш, оламни англаш ва ўзини олий мавжудот сифатидаги қадриятини идрок этиш орқали бутун инсоният тарихини англашга даъват этади. Бундай ноёб маънавий-руҳий эҳтиёж комиллик ва етукликка интилиш ҳиссини уйғотади. Ана шу ички туйғу инсоннинг ўз ўтмишига, ўтмишдошларига ва аждодларига, улар қолдирган меросига қизиқиш билан қарашини тақозо этади. Бундай маънавий-руҳий эҳтиёж унинг тарихий хотираси чуқурлашишига, тарихий тафаккурнинг бойишига шу тафаккур орқали ўзининг ҳаётдаги ўрнини аниқ белгилаб олишига имкон яратади. Истиқболини кўра олишга рағбатлантиради.

Тараққиёт тамойиллари, цивилизация эҳтиёжлари шундай. Биз ўтмишда яшамаслигимиз, уни такрорламаслигимиз, аксинча, уни ўрганишимиз, тадқиқ этишимиз ва аниқ хулосаларга келиб яшашимиз керак. Айни ана шу хулосалар асосида истиқболимизни белгилашимиз, ўзимизни ҳам, жамиятни ҳам маънавий жиҳатдан камолотга етказишимиз даркор. Биз ўтмишни тиклаш, тарих ҳақиқатини ўз ўрнига қўйиш орқали тафаккуримизни бойитамиз, тушунчаларимизни кенгайтирамиз, ҳаёт фалсафаси орқали ислоҳотлар фалсафасини, моҳиятини чуқурроқ англай бошлаймиз. Натижада ўз-ўзимизни ислоҳ қиламиз, ўз-ўзимизни янгилаймиз.

Яна бир ҳақиқат бор: ўтмиш уни англаганга хизмат қилишини, келажак эса унинг ҳақиқий бунёдкоригагина тегишли эканини ҳисобга олмоғимиз керак. Худди ана шу ҳақиқатни англаш учун тарихий тафаккур, тарихий хотира зарур деб ўйлаймиз. Тарихнинг ҳақиқий фалсафаси, онгу шууримизга таъсирини ана шунда биламиз.

Тарих хақиқатини англаш учун ўтмиши сохталаштирилган, бой маънавий ва маданий меросидан ажратиб ташланган, ҳукмрон ғояларга маҳкум этилган халқ тарихий ҳақиқатини қайтадан тиклаши **«У менинг ўтмишим, наслу насабим, аждодларим руҳи жо бўлган маъво, менинг инсоний дахлдорлигим ва шаъним»** деб қараганида унинг нақадар мазмуни чуқур, моҳияти беқиёс қадриятлигини англайди. Ана шундай туйғу тарихнинг ички моҳиятини, унинг сир-асрорларини оча олади.

Албатта, тарихни ўрганишда турли ёндашувлар, ғоялар ва оқимлар бор. Бироқ уларнинг айримлари соф хронологик маълумотлар ёки қуруқ воқеалар тафсилотидан иборат. Маълум бир давр тарихининг ижтимоий моҳияти очилмай қолган.

Янгиланишлар даври биздан тарихга муносабатни жиддий равишда ўзгартиришни тақозо этмоқда. Бу бевосита тарихимизни қайтадан ўрганишимизни, унинг бутун ютуқларию, фожиалари билан яхлитлигича тадқиқ этишни талаб қилмоқда. Бунинг учун биз энг аввало, тарихга шунчаки баёнчилик нуқтаи назардан эмас, уни ўзлигимизга, шахсимизга дахлдор бўлган маъво, қадриятимизни ўзида мужассам этган муқаддас хотирот даражасидаги тафаккур мезонига айлантирмоғимиз даркор. Тарихий хотирани тиклаш, уни қадрият даражасига кўтариш йўлларини изламоғимиз керак.

Аслини олганда тарихнинг буюк қудрати, тарбиявий кучи, мураббийлик моҳияти ўтмишни ўрганиш, тадқиқ этиш орқали бугунни баҳолаш, бугунги одамларни йўлга солиш борасидаги фикрларни, ғояларни ўзида мужассам этганида! Агар чиндан ҳам тарихни маънавият ва руҳият феноменига айлантирсак, аниқроғи, уни шундай идрок этиб, шундай тадқиқ этсак, яна ва яна ўтмишни сана ва воқеалар орқали эмас, инсон орқали ўрганишга эҳтиёж сезамиз. Ана шу жиҳатдан қараганда бутун ҳаёт шажарасини давом эттираётган, ўзига хос тарих яратаётган одамларнинг дунёқарашлари, маънавий-руҳий кечинмалари, инсонлик шаъни нималарга боғлиқлиги, унинг илдизлари қаёқларга етиб бориши ва қандай маънавий сарчашмалардан озуқа олаётгани аниқ бўлади. Ана шу нуқтаи назардан биз бугун тарихнавислик ва тарихшуносликдаги солномачилик, қуруқ рақамбозлик, баёнчилик иллатларидан бутунлай қутулишимиз даркор. Тарихий обидаларнинг рўйхати, уларнинг қурилган вақти, шаҳарларнинг номларию жуғрофий ҳудудлари билан кифояланмай, ана шу замин ва унда асрлар мобайнида яшаган халқнинг даҳолик қудрати ва бу қудратнинг пайдо бўлиш омилларини ўрганмоғимиз керак. Зотан, буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиролар, афсонавий шаҳарлар, қудратли сиёсатчилару донгдор давлатлар тўсатдан пайдо бўлмайди. Уларнинг юзага чиқиши учун йиллар, асрлар мобайнида тажриба тўпланади. Тарихшуносликда ана шу эволюцион жараён, халқнинг ижтимоий-маънавий ҳаёти динамикаси ҳисобга олинмоғи керак. Демак, халқимиз кишилик тарихида кескин бурилиш ясаган, жаҳон цивилизациясига кучли таъсир ўтказган тафаккур кенгликларини, унинг тараққиёт жараёнларини ўрганишимиз зарур.

Биз бугунги ва келгуси авлодни худди ана шундай йўл билан тарбиялашимиз даркор. Унинг воқеа ва ҳодисаларга муносабатини онги орқали, тафаккури орқали ва энг муҳими, қалби орқали ўтказишимиз керак. Президент Ислом Каримов *«— ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмайди. Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур. Агар олимларимизнинг илмий тадқиқот ишлари замирида ана шу фикр, ана шу мақсад бўлмаса, уларнинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ»* — деган қатъий хулосага келади.

Албатта, фундаментал тадқиқот ҳар қандай фан равнақининг асоси. У юксак илмий савия, назарий кашфиётнинг юксак чўққиси. Бироқ соф академик тадқиқот тор доирадаги олимлар учун муҳим ҳодиса. Илмий-оммабоп, илмий-публицистик тадқиқотлар эса кенг жамоатчиликка мўлжалланган, тез ўқиладиган, бир ўқишда тушунадиган, ҳаяжон ва кўтаринки руҳ билан мутолаа этиладиган тадқиқот услубидир. Бу, айниқса, жамият тубдан янгиланаётган бир пайтда ўқувчининг янгиланишлар моҳиятини тез ва осон тушунишига, хотирасида мустаҳкам сақланишига хизмат қилади.

Демак тарихга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришимиз, хусусан, шу пайтгача онгимизга сингиб қолган қолдиқларини, фанларнинг ўзаро яқинлиги ва уйғунлигини таъминлашимиз, уларнинг бир-бирини тўлдиришига, бир-бирини бойитишига йўл очиб беришимиз керак. Ана шунда қайсидир тарихий рақамлар ва воқеалар ортидаги ҳаёт, кечинмалар, зиддиятлар борасидаги тушунчалар кенгаяди, хулосалар ёрқинроқ гавдаланади

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тарихнавислик бевосита мантиқ, фалсафа, ҳуқуқ, социология, жамиятшунослик, сиёсатшунослик, руҳшунослик ва бадиият билан узвий боғлиқлигини таъкидлаш ўринли. Буларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Мабодо ана шу унсурларнинг бири етишмаса, номукаммалликка йўл қўйилади ижтимоий-сиёсий жараёнлар мантиғи бузилади. Фақат, маълум бир давр тарихи устида ишлар эканмиз, энг аввало, тарихнавислик нуқтаи назаридан иш тутиб, бошқа унсурлардан ёрдамчи, тўлдирувчи восита сифатида фойдаланмоғимиз лозим.

Акс ҳолда ўқувчини зериктирадиган, охир-оқибатда эса ўз ўтмишидан кўнглини совитадиган бедаво «асар» пайдо бўлиб қолади. Афсуски, бундай асарлар бизда оз эмас.

Энди биз муаррихлар олдида ҳам тадқиқотчилик, ҳам фуқаролик бурчи турганини, бир елкамизда тарихга холислик, илмий ҳақиқат билан қараш юки, иккинчи елкамизда эса Ватан ва Миллат олдидаги жавобгарлик юки борлигини бутун вужудимиз билан англамоғимиз керак.

Зотан, Президент Ислом Каримов ҳам *«Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас»* — деган эди.

**Нарзулла ЖЎРАЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори,**
**профессор**

**БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ**

## Муаммо юзага келмасин десангиз...

*Инсон ҳаётда нималарга дуч келмайди, дейсиз. Ўйламаган муаммолар оёғинг остидан чиқиб, мушкуллик туғдиради. Билиб-билмай иш тутган ёмон. Ҳар ҳолда инсон ҳар бир масалада қонунларимиз доирасида иш тутгани маъқул. Таҳририят томонидан “Билмаганни билган яхши” деган рукн остида биз газетхонларга фойдали маслаҳатлар бериб борилаётганини қўллаб-қувватлайман. Мен ҳам оила аъзоларимга васиятнома қолдиришдай масалага дуч келиб турибман. Аммо унинг мазмуни билан мендан бошқа ҳеч ким танишишини истамайман. Махфий васиятнома ҳақида аввал ҳам маълумот берилган экан. Такрор бўлса ҳам бу ҳақда яна маълумот берсангизлар. Чунки, бу масала мендан бошқаларни ҳам қизиқтириши табиий. Ҳақиқатан ҳам билмаганни ўз вақтида билишимиз, ҳуқуқларимизни таниганимиз келгусида ортиқча муаммолар юзага келишининг олдини олади. Мазкур масала қонунчиликда қандай тартибга солинган? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз?*

**Раъно Худойназарова**
Зомин тумани

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан, васият қилувчининг хоҳишига кўра, васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан (махфий васиятнома) тасдиқланиши мумкин.*

*Махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқий саналиши учун ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб елимланиши лозим, гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, оталарининг исмини ва доимий яшаш жойларини кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўядилар. Имзо қўйилган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди.*

## Ҳуқуқингиз ўз қўлингизда

*Кейинги пайтда фуқароларнинг ҳаётда дуч келаётган у ёки бу масалаларни тўғри ҳал этишда таҳририятдан кўмак сўраб қилаётган мурожаатлари сони ортиб бормоқда. Бу уларнинг ўз ҳуқуқларини танишга интилиши ошаётганидан дарак беради.* Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи Зуҳра Жалилова *ҳам васият кимлар томонидан ва қандай ҳолларда бекор қилинишини мумкинлигини билиш мақсадида мурожаат қилган.*

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1127-моддаси талабларига кўра, васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёки унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли.*

*Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма кўрсатмасига биноан нотариус ёки бошқа мансабдор шахс томонидан унинг барча нусхалари йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин.*

**Саволларга Жиззах шаҳар 6-сон ДНИ нотариуси**
**Тоир ҲАЙДАРОВ жавоб берди**

## Болалар манфаати

***— Айтинг-чи, бола неча ёшдан муомалага лаёқатли ҳисобланади? Умуман бола ҳуқуқлари тўғрисида батафсил маълумот берсангиз.***

**Л.Шодиева**
Тошкент шаҳри

Маълумки, ўн олти ёшга тўлган болалар вояга етмаган ҳисобланади. Улар ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилиги билан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, муомалага тўла лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин. Бу ҳолат ота-она, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига асосан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса суднинг қарори билан амалга оширилиши керак.

Шунингдек, олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болаларнинг мустақил равишда бажариши мумкин бўлган юмушларни ҳам билиб қўйган яхши. Улар:

— кичик маиший битимлар;

— текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимларни амалга ошириши мумкин.

Бу ҳуқуқлардан никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар тенг фойдаланади.

Таъкидлаш кераккки, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ота-оналарнинг зиммасига юклатилади. Ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинланиши лозим.

**Саволга Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 7-сонли ДНИ катта нотариуси Мавлуда МАНСУРОВА жавоб берди.**

**ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА**

# ТОПГАНИНГИЗ ЎЗИНГИЗГА БУЮРСИН

Ҳаёт қанчалар гўзал ва тотли бўлмасин, инсоният уни ўз измига сола олмайди. Аксинча, бор лаззатини оқилона тота билган одамларгина чинакам бахтга эришадилар.

Бу синовли дунёда яхши-ёмон кунлар — тўй ҳам, аза ҳам, бахтли учрашув ёки айрилиқ ҳам бир-бирига қўни-қўшнилардек ёнма-ён. Ҳеч ким тақдирида нималар борлигини олдиндан била олмайди. Одамзод фақат рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятга олдиндан тайёр туришга одатлансагина оғир-енгил нохушликларни енгиб, ўз ҳаётини ортиқча ғам-ғуссалардан ҳимоя қила олади. Бунинг учун аввало, эҳтиёт-шарт, деган иборани доимо ёдда тутган маъқул. Кўпчилик чўнтагидаги пулини асраб-авайлайди-ю, мол-мулкига нисбатан негадир эҳтиётсизлик қилади. Ахир мулк ҳам аслида пул-ку. Бундай эҳтиётсизлик аксарият ҳолларда эр-хотин ўртасида ортиқча муаммоларни келтириб чиқаради. Ана шундай кучли ҳаётий эҳтиёжлар туфайли юзага келган никоҳ шартномасини тузиш бугунги кунда турмушимизга қай даражада сингиб улгурди? Минг афсуски, оммавий ахборот воситаларида бу хусусда тез-тез чиқишлар бўлиб туришига қарамай, ҳамон фуқароларимиз никоҳ шартномасига камдан-кам ҳоллардагина мурожаат қилишмоқда. Бу ҳақда пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек тумани ФҲДЁ бўлим мудири З.Абдурасулова шундай дейди: «Никоҳ шартномасининг афзалликлари тўғрисида кенг жамоатчиликка, қолаверса, турмуш қураётган келин-куёвларга ҳам албатта маълумот бериб боряпмиз. Никоҳдан ўтувчиларнинг аксарияти, биз яхши ният билан турмуш қуряпмиз, ҳозирданоқ ажрашиш мақсадида шартнома тузмоқчи эмасмиз, дея рад этишади. Кейинчалик ажрашишга тўғри келиб қолганда ёки баъзан тасодиф туфайли турмуш ўртоғи вафот этганда кўпинча келинлар, қайнонам мебелларимни бермаяпти, деб мурожаат қилишади.

Фуқароларимиз шуни эсда тутишсинки, никоҳ шартномаси фақат ажрашиш ҳолатлари учун эмас, балки эр ва хотиннинг оила мулкини шакллантиришда, ўзаро моддий таъминот бериш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартнома тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишига ҳам хизмат қилади».

Турмушда турли сабабларга кўра оилавий жанжаллар, ажрашишлар содир бўлиб туради. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ушбу шартнома никоҳни қайд этиб, унга қонуний тус бериш баробарида эр ва хотинга тегишли мол-мулкнинг расмий ҳужжати ҳамдир. Ҳужжатлар эса бир ойнадек гап, ҳақиқатни кўрсатади, холос.

Биз маҳаллалар оралаб фуқароларимизнинг никоҳ шартномасига бўлган муносабатини ўрганиш жараёнида қуйидаги воқеага дуч келдик. Бу ҳақда Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Туркистон» маҳалласи фаолларидан бири Маъмура Носирхўжаева гапириб берди: «Носир ота ва Мавжуда опа (исмлар ўзгартирилган) ўзларига тўқ оилалардан. Ёлғиз фарзанд — Нозимни таниш оилалардан бирининг қизига уйлантиришди. Қиз иқтисоди ночорроқ хонадондан бўлгани боис келин-куёвга алоҳида квартира олиб бериб, ўзлари жиҳозлаб ҳам қўйишди. Тўйдан сўнг бир ой ўтиб, маълум бўлдики, келин никоҳигача учрашиб юрадиган йигити билан яна хуфёна кўришишни одат қилган экан. Бундай хиёнатни кўтара олмаган Нозим хотини билан ажрашишга қарор қилибди. Тақдирнинг мана шу зарбаси етмагандек, суд жараёнида қонун бўйича уларнинг уй-жойи жиҳозлари билан совға сифатида келинга тегишли деб топилди. Агар улар ўз вақтида никоҳ шартномасини тузиб қўйишганда эди, ушбу вазиятда ҳеч бўлмаганда моддий зарар кўрмаган бўлишарди».

Одатда кимгадир совға-салом ёки тўёна бераётганимизда доимо табриклаётган кишимизнинг диққат-эътиборида туришни кўзлаб, ҳеч кимникига ўхшамайдиган, эсда қоларли совға танлашга ҳаракат қиламиз. Ҳадялар олди-бердисига ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат қозонишнинг бир усули сифатида қаралади. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васаллам ҳам: «Бир-бирларингизга доимо совғалар бериб туринглар» — деб бежиз айтмаганлар. Негаки, биз моддий дунёда яшаймиз. Маънавият, ҳис-туйғулар ҳам моддият заминида туғилади. Шунинг учун уларни эт билан тирноқдек бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Бу, моддий манфаатни биринчи ўринга қўйиш керак, дегани эмас, балки на унисига ва на бунисига бирёқлама оғиб кетмасдан тафаккурга таянган маъқулроқ. Мушоҳада ақл тарозисининг бир палласига қалб амрини қўйса, иккинчи палласига моддиятни қўяди ва шу орқали мувозанатни сақлайди. Биз ёритмоқчи бўлаётган никоҳ шартномаси ҳам турмушимизни мувозанатда ушлаб турувчи тарози вазифасини бажаради.



Турмуш қуриш арафасида турган Соҳиба исмли қиз шикоят қиляпти: «Бўлажак турмуш ўртоғим юрист бўлганиданми, никоҳ шартномаси тузишни таклиф қилди. Буни эшитган ойим, бу йигитнинг ҳозирданоқ нияти совуқ экан, тўйни қайтарамиз, деб туриб олдилар. Икки ўт орасида қолдим. Шартнома билан танишиб чиқдим, унда миллатимизга хос бўлмаган жиҳатлар ҳам бор экан».

Айтиш керакки, эр ва хотин шартнома шартларидаги ўзларига ёқмаган жиҳатларни ўзгартиришлари мумкин. Ушбу ҳолатни Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бошқармаси бош маслаҳатчиси Ҳ.Насимов қуйидагича изоҳлади: «Эр ва хотин никоҳ шартномасига кўра, биргаликдаги хусусий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга ҳақлидирлар. Улар барча мол-мулклари, айрим турлари ёки ҳар бирларининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишлари ҳам мумкин. Фақат шартнома эр-хотиннинг ҳуқуқий ёки муомала лаёқатига эга бўлмаган тақдирда уларнинг ҳуқуқларини чеклашни, ўрталаридаги шахсий номулкий муносабатларни, эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини, меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг бирини ўта ноқулай аҳволга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг меъёрларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тута олмайди».

Кўриниб турибдики, барча қонун ва ҳужжатларда бўлганидек, никоҳ шартномасини тузишда ҳам миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, албатта, ҳисобга олинган. Шундай экан, кўпгина хориж мамлакатлари тажрибасига ҳамоҳанг равишда юртимиз фуқаролари ҳам ортиқча иккиланмай, ҳадиксирамасдан никоҳ шартномаси тузишга киришишлари мақсадга мувофиқдир. Бу ишни никоҳнинг исталган муддатида амалга ошириш имконияти мавжуд. Ушбу ҳужжат нафақат мол-мулкингизнинг ҳуқуқий табиатини белгилаш ва ўзгартиришни ифодалайди, балки зарур ҳолларда биргаликда топган-тутганларингизнинг сақланиши ҳамда ҳимоясини ҳам кафолатлайди.

**Шаҳзода ҲАКИМОВА,**
**«Hurriyat» мухбири**

МУРУВВАТ

# Бор бўл, меҳр!

**Муборак Қурбон ҳайити кунларида таҳририятга бир меҳмон келганини айтишди. «Кираверсин» десам, «Юролмайди...» дейишди. Ташқарига чиқдим: бир киши кулимсираганча аравачада ўтирибди.**

— Узр, келмасам ҳам бўларди, — дея хижолатомуз гап бошлади у. — Ўзлари ҳам хоҳлашмовди. Аммо виждоним йўл қўймади. Ҳеч бўлмаса раҳмат айтиб қўяй, деб келгандим...

Икки оёғи, бир қўлидан жудо бўлган бу инсон Фарғона туманидаги Водил қишлоғида яшовчи Абдуқаҳҳор Ортиқов экан. Унинг руҳи тетик, иймони бақувват, дунёқараши кенг, яшаш учун курашувчан... Ғурур, орият сингари фазилатлар юз-кўзидан сезилиб турарди.

Абдуқаҳҳор ака 55 ёшда. Қарийб ўн йилдан буён ногирон. Айтишича, қон томирлари касаллиги туфайли аввал ўнг, кейин чап оёғидан, сўнг ўнг қўлидан айрилибди.

— Ишонинг, беш йилдан буён уйга михланиб қолгандим, — дейди у гапини давом эттириб. — Дунёда яхши одамлар кўп экан. Туман ҳокимлиги кўмагида уйимга бир қўл билан бошқариладиган аравача келтириб берилгач, кўчага чиқадиган бўлдим. Бу борада туман “Маҳалла” жамғармасининг аввалги раҳбари Раҳматжон Обидов, ҳозирги раис Жўрабой Назаров, «Ногиронлар» жамғармаси раиси Муборакхон Қосимова сингари кўплаб яхши одамлар ёрдамидан чексиз миннатдорман. Шунингдек, уйимиз қурилишига кўмаклашган тадбиркор Ботиржон Ғаниев, «Саноат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдумалик Қўшоқов, туман «Сувоқава» ташкилоти раҳбарларига, айниқса, Зокиржон Аллоновга ташаккур билдираман...

Бир қизим, икки нафар набирам бор. Нафақадаман. Қўшимча даромадим йўқ. Газ ва электрдан каттагина қарзимиз бор эди. Маҳаммадали исмли йигит бошлиқ “Ривож-98” фирмаси 528 минг сўм пулни газ ва электр билан таъминловчи идораларга ўтказиб берди. Бу бизга катта ёрдам бўлди.

Абдуқаҳҳор ака хушчақчақ, ҳаётдан хурсанд. Қўл-оёқларим йўқ, деб нолимайди. Буни ёниқ, кулиб турган юз-кўзларидан сезиш мумкин. Шунинг ўзи ҳам жасорат!

У тўлқинланиб гапиришда давом этди:

— Қиргулидаги шифохонага борсам, бир топармон-тутармон одам нолиб қолди. Миллион-миллион пули бор, бойлиги “уммон” эмиш-у, томоғидан нон ҳам, сув ҳам ўтмай қолибди. Ҳар бир инсон учун энг катта бойлик — саломатлик, тинчлик, ҳаловат экан...

Азизлар, бундай кўнгли ярим инсонлар бошқа ерларда ҳам топилади. Уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб, молиявий кўмак беришга қурби етмаганлар икки оғиз ширин сўз билан уларнинг кўнглини кўтариши оқибатлилик белгиси, қолаверса, олий саодатдир.

**Собир ДАДАХЎЖАЕВ,**
**журналист**




Спорт

## Таймазов тақдирланди



***Макао шаҳрида Осиё Олимпия кенгашининг 31-бош ассамблеяси бўлиб ўтди. Унда Лондонда бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришган 20 нафар спортчи ҳамда 21 та Миллий олимпия қўмитасига ушбу нуфузли кенгашнинг махсус мукофотлари топширилди. Эътиборлиси, тақдирланганлар сафида қитъамизнинг энг сара спортчиларидан бири — эркин кураш бўйича уч карра Олимпиада ўйинлари ғолиби Артур Таймазов ҳам бор эди.***

Тадбир давомида XVIII Осиё ўйинларига мезбонлик қиладиган шаҳар номи ҳам аниқланди. 2018 йили ўтказиладиган ушбу мусобақага Вьетнамнинг Ханой шаҳри мезбонлик қиладиган бўлди. Бундан ташқари, 2017 ва 2021 йиллардиги ўсмирлар ўртасидаги Осиё ўйинлари Хамбантота (Шри-Ланка) ва Сурабая (Индонезия) шаҳарларида ўтказилиши маълум қилинди.

## Нодирбек жаҳон чемпиони

***Словенияда 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар, ўсмирлар ва қизлар ўртасида шахмат бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Нодирбек Абдусатторов барча рақибларидан салоҳияти юқори эканини кўрсатиб, жаҳон чемпиони деган юксак номга сазовор бўлди.***

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ шафъелигида ташкил этилган турнирда сайёрамизнинг 91 мамлакатидан 1584 нафар шахматчи ғолиблик учун дона сурди. Ушбу дунё биринчилигида юртимиз шарафини ҳимоя қилган 13 нафар шахматчимиз рақиблари билан тенгма-тенг кураш олиб борди. Вакилларимиздан Нодирбек Абдусатторов мағлубиятсиз дона сурган ягона шахматчи бўлганини таъкидлаш жоиз. У ўн бир партиядан тўққизтасида ғалабага, иккитасида durангга эришиб, 10 очко тўплади ва биринчи ўринни эгаллади.

Ушбу зафар Нодирбекнинг халқаро майдондаги иккинчи йирик ғалабасидир. Истеъдодли ёш шахматчимиз ўтган йили Ҳиндистонда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам олтин медалга сазовор бўлганди.

## Навоийда халқаро турнир

***Навоий вилоятида бадиий гимнастика бўйича халқаро турнир якунланди. Юз нафардан ортиқ спортчи иштирок этган мусобақада ҳамюртларимиздан ташқари Италия, Россия, Словения ва Қозоғистон вакиллари ғолиблик учун баҳс олиб борди.***

Етти ёш тоифаси бўйича ўтказилган турнирда ҳамюртларимиз тўққизта, словенияликлар бешта, россияликлар тўртта олтин медални қўлга киритди. Мусобақанинг ғолиб ва совриндорларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Қулман Очиловга отаси

**Очил бобо БЕРДИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

*Газетанинг навбатдаги сони 2012 йил 5 декабрь куни чиқади*

‘ҲАЖВ’

# Ҳайдарчилик

Қападамиз. Халфана овқат қиляпмиз. Ҳайдар акам шўрванинг кўпигини оляпти, мен шолғом арчиш билан овораман. Оқсоқолларимиз Ҳамроали билан Раҳмон акалар кечаги масалани бир ёқлик қилиш билан банд: қарта ўйнашяпти.

— Э, сен, — Раҳмон ака қартани чийлаб туриб, менга юзланди, — Ҳайдар ҳақида ёзсанг-чи, бутун бошли китоб бўлади.

— Ҳайдарнинг бошидан ўтганларини, кино қилиш керак, юрган йўли комедия-да, комедия! — Ҳамроали ака уни қувватлади.

— Қулоқ солма, уларнинг гапига, қулоқ солма, — Ҳайдар ака чўмич билан ишора қилиб давом этди. — Гапиришаверади.

— Бу, — Раҳмон ака Ҳайдар акага ишора қилди, — бир вақтлар мактабда ҳайдовчиликдан дарс берарди. Ўқувчиларни машинасига чиқариб, «язда» қилдириб келибди. Кейин машинани тўхтатиб, капотини очиб, тушунтиришни бошлабди: «Мотори қизиб турганда радиаторнинг қопқоғини очиш мумкин эмас. Чунки бу пайтда суви қайнаган бўлади, мана бундай қилиб очиб юборсак...» деб туриб радиаторнинг қопқоғини бураб, очиб юборибди! Қайнаб турган сув отилиб чиқиб, пешонасидан бошлаб, белигача куйдирибди!

Ҳамроали ака хохолади. Унга қўшилдим.

— Бекорчи гап, — Ҳайдар ака кескин эътироз билдирди. — Битта ўқувчим билмасдан очворганди.

— «Аполавка» ҳам бекор гапми? — Ҳамроали ака қошини маъноли учириб, гап бошлади. — Бир куни бу жуда астойдил, тахталарни опчиқволиб, ҳовлисининг этагида уннаб ётибди. «Мана шу ерга оғил солмоқчиман, бетон қуяман, аполавка қиляпман», деди. Бирпас қараб турдим. Навбатдаги тахта қимирлаб, мих ўтавермади. «Орқасидан бирорта ёғоч тирагин, — дедим. — Қимирлаб тураверса мих ўтармиди ундан». «Э, ҳозир буни боплаймиз!» деб тиззасининг кўзини тахтага тираб, теша билан ура кетди. Ҳаркалай мих қоқилди. «Ўтмайсан-а, ўтмайсан!» деб оёғини тортганди, тахта ҳам қўшилиб бирга кетяпти-да! Қарасам, тахтани тешиб чиққан мих тиззасининг кўзигача ўтиб кетган экан. Тешанинг зарби деб, билмабди-ей!

— Э-э-э! — Ҳайдар ака қўл силтади. — Тахтадан ўтган мих шимимга илиниб қолган экан.

— Ҳайдарчилик-да! — Раҳмон ака гапни илиб кетди. — Трактор минади, шолимнинг донини олиб келиб берди. Аммо сеткали бўлгани учун тепаси кесакига тегиб, прицеп дарвозадан сиғмади. Кўчага тўкиб кетаверса, яна уни ичкарига ташиш — иш. «Нима қилсак экан?» деб турсам... «Кетмонни олиб чиқинг!» деб қолди. Олиб чиқдим. «Балон остини ковлаймиз», деди. «Одам юравериб, машина ўтавериб, заранг бўлиб кетган, бу ерни ковлаб бўладими?!» дедим. «Бўлади», деб қўлимдан кетмонни олди. Вей бало экан — бу! Болта ўтмайдиган жойни кетмон билан ковлаб ташлади. Терга пишиб кетди ўзиям. Дарвозахонада чуқурлиги бир, эни бир ярим қарчлик арикча пайдо бўлди.

Прицеп балонларини арикчага мослаб юргизганди, ҳаркалай дарвозадан сиғди. Шолини ҳовлига ағдарди! «Қойил!» дегандай унга бош бармоғимни кўрсатдим. Илжайиб кўз қисди. Тракторига газ берди ва... шолини тўкканда кўтарилган прицепини туширмасдан дарвозани ҳам кўчага бирга судраб олиб чиқиб қўйди!

«Вей, ўзинг бир соат уннаб ковладинг, атай пасайтириб йўл қилдинг, дарвозани кўрмадингми?» дедим жаҳл билан. «Иш шошилинч эди-да, прицепни тушириш эсдан чиқиб қолибди», дейди кулиб. Кейин «иши шошилинч» билан абеддан, ярим кечагача дарвозани қайта курдик.

— Бу Ташкендаям иш қилиб келибдию, айтмайсанам, — Ҳамроали ака менга тикилди.

— Янғисими? Эшитайлик...

Ҳайдар акага қарадим.

— Унга қарама, бизга қара! — Раҳмон ака қўл силтади.

— Э, уни ёзиб бўлмайди.

— Ёзмасанг ҳам бизга айтавер!

— Тошкентга супурги сотгани боришган экан. Супургиларни сотиб бўлгач, пулларини тахлаб, резинка билан боғлаб, шимларининг орқа чўнтагига солибди. Сироч акамникига келибди.

— Бўлди, бўлди бу ёғини айтманг...

— Сироч акам ишдан келса, ҳовлиси тўла пул эмишда! Кўзларига ишонмабди. Пулларни ювиб, қурисин деб ёйиб, шамол учириб кетмасин деб устига биттадан тош бостириб чиққан экан, қалай?!

— Э-э! — Ҳайдар ака шўрванинг сувидан хўплаб, чўмични қозон четига қўйди. — Тузи яхши, — деди сўнг бизга юзланиб. — Аммо ҳали пишгани йўқ. Ярим соат қайнаб турсин, унгача мен божамникига бориб келаман.



— Шошма! — Раҳмон ака сигаретини чайнаб, ўрнидан турди. — Сени ярим соатинг уч соат бўлади... Унгача қайнайвериб, шўрва тугайди.

— Э, ака, — Ҳайдар ака тушунтира кетди, — божамнинг электр аррасини прицепга юклатиб қўйганман, эшикнинг оғзида турибди. Шундай тракторда бораман, прицепни улайман, ғув бориб ташлаб келаман. Чичқонқишлоқ қочиб кетибдими!

— Э, бор! — Раҳмон ака сигаретини бурчакка отиб, жойига ўтирди.

— Эсон-омон бориб келсинда, ишқилиб, — Ҳамроали ака бошини қимирлатиб қўйди.

— Битта ишкални бошламаса бўлди — бу!

Қарта ўйин авжига чиқди. Қанча вақт ўтди, билмаймиз. Тракторнинг шовқини эшитилди.

— Келди, — деди Раҳмон ака деразага бўйлаб.

— Тез қайтвордими? — Ҳамроали ака ажабланган бўлди.

— Ҳайдар-да бу, ҳайдайди! Мингда юради-да!

Ҳайдар ака бегона йигит билан кириб келди.

— Тепага чиқаверинг, тепага чиқаверинг! — деди унга. Кейин бизга тушунтирган бўлди. — Божам, чичқонлик божам — Султонали...

— Ие! — Раҳмон ака ажабланди. — Сен буникига бормоқчийдинг-у?

— Султоналининг ўзи келиб қолган бўлса... — Ҳамроали ака фотиҳага қўл очди. — Қани, омин, тинчлик-омонлик бўлсин!

— Ғалати иш бўлди! — деб Ҳайдар ака «пиқ» этиб кулди.

— Нима иш бўлди?

— Э, қўяверинглар, — деб Ҳайдар ака қўл силтади. Шўрванинг тузини кўраркан, яна «хо-хо-хо»лаб кулиб юборди. Тиқилиб, йўтал тутди.

— Гапир мундай, одамни илҳақ қилмасдан! — Ҳамроали ака қовоғини уйди. — Ўзинг маза қилаверма, бизам кулайлик-да!

Ҳайдар ака дўпписини бошидан олиб, шолчага ташлаб, ёнига ўзи ўтирди.

— Ғалати иш бўлди, — Ҳайдар ака яна кулди. — Тракторнинг орқасини прицепга тўғрилаб турсам, уйдан хотин чиқиб қолди. «Прицепнинг қозиғини солиб қўй», дедим, «Ҳа, дадаси, йўл бўлсин?» деб сўради. «Божанинг аррасини абкегандигу, обориб берай, сўрайвериб эзиб юборди», дедим. «Унда жиндай шошмай туринг, — хотин қошини учириб, кулимсиради. — Менам прицепингизга чиқиб олай, сиз билан бориб ҳам синглимни кўраман, ҳам катайса қилиб келаман», деб уйга кириб кетди. «Тезроқ чиқ, иш қайнаб ётибди!» деганимча қолдим. Иш кўп бўлганидан кейин хаёл ўйноқи бўлиб қоларкан. Хотин чиқди, газни босдим.

Божам яхши уйда экан.

— Бу ёғини сиз айтиб беринг! — у Султоналига қаради. — Мен гапиролмай, кулиб юбораман.

— Эшикдан чиқишим билан, кабинадан бошини чиқариб, салом йўқ, алик йўқ, «Кейин сўрашаверамиз, иш қайнаб ётибди, бир-иккита қўшнилардан чақиринг, аррани туширишиб юборишсин!» деди. Ҳайрон бўлиб қолдим. «Нимага оғзингиз очилади, чақиринг қўшниларни!» деб дўқ уришга ўтди. «Арра қани?» секин сўрадим. «Ана, орқада, прицепда турибди!» деди. Орқасига қараб, ҳеч нарсани кўрмадим. «Прицеп қани?» дедим яна. «Нима бало, божа, мастмисиз?» деди. Кейин... Ҳайдар акам орқасига қаради-да, ранги ўчиб кетди. «Қани прицеп?» дедим. «Сиз прицепти қўйиб туринг-у, катайса қилиб келаман деб, чиқиб олганди, бизнинг хотин қани?» деди.

«Хо-хо»лашдик.

— Божам икковимиз ҳовлиқиб, тракторни юрган йўлидан босдик, — Ҳайдар ака кулиб, ўзиники йўқдай, тиззамга шапатилади. — Қишлоққа келсак, прицеп эшик оғзида қандай қўйган бўлсак, шундай турибди. Тепасида ясан-тусан қилиб, тугунча қучоқлаган хотин ўтирибди! «Ҳа, дадаси, ҳай-ҳайлашимга қарамай, тракторингизни учириб кетвордингиз. Ўтирибман энди, қачон катайса қилдираркан деб!» дейди. «Олдин қозиғини солиб, тракторга улаб, кейин прицепга чиқсанг ўлармидинг!» дедим. Хуллас, гаплар шунақа, бўлган иш бўлди аввал шўрвани ичволиб, кейин аррани ташлаб келармиз, деб божамни бошлаб келавердим.

— Бағи, Ҳайдарчилик-да, Ҳайдарчилик! Шўрвани қуй-э! — деди Раҳмон ака тоқати етмай...

**Саид АНВАР**

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

**Манзилимиз:** 100000,
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
**Электрон манзил:**
info@uzhurriyat.uz

**Бош муҳаррир**
**Ўктам МИРЗАЁРОВ**

Таҳрир ҳайъати:

**Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ**
**Камол АЛЛАЁРОВ**
(Бош муҳаррир ўринбосари)
**Ғулом МИРЗО**
**Феруза МУҲАММАДЖОНОВА**
**Акмал САИДОВ**
**Сайди УМИРОВ**
**Шерзод ҒУЛОМОВ**

**Телефонлар:** 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; **Тел-факс** 236-75-15
**Реклама ва маркетинг бўлими:**
**Тел:**233-36-02.

**Вилоят мухбирларимизнинг телефон рақамлари:**

**Бухоро** — (+99890)-557-40-17,
**Самарқанд** — 8-366-233-62-12,
**Сурхондарё** — 8-376-396-30-59,
**Фарғона** — (+99891)-672-82-33,

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.*

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.**
**Манзил:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Отабек ОТАЁРОВ

**Топшириш вақти** — 21.00
**Топширилди** — 21.00

Адади: 6307 Буюртма — Г-1155 1 2 3 5